11 МАР 1992

Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир!

ҲАЛҚ СЎЗИ

خلق سوزی

ҲИЖРИЙ: ҚАМАРИЙ, 1412 ЙИЛ, РАМАЗОН, 3-КУН.
ШАМСИЙ, 1370 ЙИЛ, ҲУТ, 18-КУН.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ РЎЗНОМАСИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган — 1992 ЙИЛ 7 МАРТ, ШАНБА, 49-СОН • 300 • — НАРХИ ОБУНАЧИГА 15 ТИЙИН, СОТУВДА 60 ТИЙИН.

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 8 МАРТ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЖУМҲУРИЯТ ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА

ТАБРИКНОМАСИ

Мўътабар онажонлар!
Муҳтарама опа-сингиллар!
Лобар қизларимиз!

Баҳор нафаси кезаётган ушбу айёмда — халқимизнинг улуғвор Наврўз шодиёналари арафасида сизларни байрамингиз билан қутлайман ва барчангизга дилдаги энг эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Сиз ҳаётимизнинг кўрки ва маъносидирсиз! Хонадонимизнинг файзи ва сеҳри, юракларимизнинг қўри ва ғурури сиз билан!

Сизларни оила фариштаси, муҳаббатимиз маъбудаси, орзуимиз чароғи деб эъзозлаймиз, ҳурмат қиламиз.

Сиз турмуш аччиқ-чучукларини ҳамма билан баравар, балки кўпроқ таътиб келасиз. Оила мустаҳкамлиги, расм-русум, анъаналар собитлиги сизнинг меҳрли қалбингиз туфайлидир.

Ҳарбий хизматдаги, ўқишдаги, боғчадаги фарзандларнинг бор ташвиш ва соғинчи кўпроқ сизнинг юрагингизда, хаёлингизда, елкангизда.

Нафақат ўз уйини, ишни, бутун бошли корхона ва жамоаларни гуллатиб келаётган минг-минглаб аёлларимизни биламиз ва қадрлаймиз.

Бугун аёлларимизнинг кўплаб муаммолари ва қийинчиликлари борлиги ҳам маълум. Уларни ҳал этиш бизнинг бурчимиздир.

Биз доимо камтарин аёлларимиздан қарздорлигимизни ҳис этиб яшаймиз.

Азизларим, меҳрибонларим!

Умидлар фасли — баҳор эшик қоқмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилотига тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб қабул қилинганимиз шу кунларда биз она деб эъзозлайдиган еримиз, Ватанимиз — мустақил Ўзбекистон ўзининг янги баҳори, синовлару ташвишлар, қувончлару умидлар фаслига катта орзулар билан пешвоз чиқмоқда. Илоҳим, орзуларимиз амалга ошгай!

Келажагимиз сизнинг меҳнатингиз, меҳру дуоларингиз билан янада баракали ва нурли бўлишига ишонаман.

Яна бир карра табригимни қабул этгайсиз. Барчангизга омад, севинч, гўзаллик доим ёр бўлсин!

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом КАРИМОВ.

АЁЛЛАР—ҲАЁТИМИЗ КЎРКИ

Хотин-қизларнинг Халқаро байрами — 8 Мартнинг бу йилги мазмуни, шарофати ва таровоти ўзгача. Орзу-умидлар куртак ёзадиган одамлар чеҳрасига табассум, оламга мунавварлик бахшида этадиган бу кўклам республикмизга мустақилликнинг яна бир нашидасини олиб келди. Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо қилиб олинди. Бутун халқимиз каби ҳаётимиз мазмуни, умримиз кўрки бўлган аёлларимизнинг ҳам қалби қувончга тўлди.

Пойтахт жамоатчилигининг вакиллари, ишчилар ва хизматчилар, маданият намояндалари меҳрибон ва жафокаш, вафодор ва оқила аёлларимизни табриклаш учун Навоий номли катта театрга келдилар. Бу ерда Халқаро хотин-қизлар куни — 8 Мартга бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Уни «Саодат» ойномасининг бош муҳаррири, Ўзбекистон Республикаси халқ депутати Ҳ. Худойбердиева очди.

Тантанали йиғилишда сўзга чиққан республика хотин-қизлар кенгаши раисининг ўринбосари Д. Ғуломова, Ўзбекистон халқ шоири Ҳ. Ғулом, педиатрия илмгоҳининг талабаси Н. Тўхтаева ва бошқалар бир қўли билан бешикни, бир қўли билан дунёни тебратаётган аёлларимизнинг фазилатлари ҳақида гапирдилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикасидаги барча хотин-қизларга мурожаатнома қабул қилинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов, республика Бош вазири А. Муталов иштирок этдилар.

Тантанали маросим Ўзбекистон санъат усталарининг катта концерти билан ниҳоясига етди.

(ЎзАХБОР мухбири).

МУНЧА ҲАМ ЗЕБОСИЗ ЎЗБЕК ҚИЗЛАРИ.

Равиль АЛЬБЕКОВ олган сурат-лавҳа.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг ҚАРОРИ

ЖУН ВА ҚОРАКЎЛНИНГ ХАРИД НАРХЛАРИ ҲАҚИДА

Вазирлар маҳкамаси **қарор қилади:**

1. 1992 йил 1 мартдан бошлаб қоракўлнинг харид нархи ҳар донаси учун ўрта ҳисобда 600 сўм, жуннинг ҳар килограмми учун ўрта ҳисобда 120 сўм қилиб белгилансин.

2. Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги қоракўл ва жуннинг янги харид нархлари прейскурантларига бир ҳафта ичида аниқлик киритиб, етиштирувчиларга ва тайёрлаш ташкилотларига етказсин.

Вазирлар маҳкамасининг раиси
И. КАРИМОВ.

ҚУТЛУҒ АЙЁМ

ДИЛ САТРЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзолигига қабул этилганлиги муносабати билан Президент Ислом Каримов номига республикамиз меҳнаткашларидан ва қўшни мустақил давлатларнинг фуқароларидан узлуксиз табрик телеграммалари келиб турибди.

ТОШКЕНТ. Президент Ислом КАРИМОВГА

Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо этиб қабул қилинганлиги билан бутун Ўзбекистон халқини самимий табриклаймиз. Биз ўшлик ўзбеклар сизга ва халқимизга тинчлик ва осойишталик, тўкин-сочинлик тилаймиз.

Ўшдаги ўзбек миллий маданий маркази.

* * *

ТОШКЕНТ. Президент И. А. КАРИМОВга

Сизни Ўзбекистон халқининг чинакам мустақиллиги билан табриклайман. Боболаримиз Амир Темур, Бобур, Алишер Навоий, Фурқат руҳлари шод бўлди.

Ленин йўли ноҳиясидаги Охунбобоев номли давлат хўжалигининг автокранчиси Тожи ҲАИТОВ, алоқа ходими Иброҳим НАЗАРОВ.

* * *

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич, Урганч шаҳрининг Эгам Раҳимов номли 11-маҳалла аҳолиси жумҳуриятимизни Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилинганлиги билан сизни самимий табриклайдилар. Ўзбекистоннинг порлоқ келажаги, халқнинг фаровон турмуши учун олиб бораётган ишингизга муваффақиятлар, ўзингизга сиҳат-саломатлик тилайдилар.

Маҳалла аҳолиси номидан маҳалла комитетининг раиси, уруш ва меҳнат фахрийси ШЕРЖОНОВ.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВга

Биз Ўзбекистонда яшаётган қирғизлар мустақил Ўзбекистон давлатимизнинг бошқа мустақил республикалар қатори Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзоликка қабул қилинганлигидан беҳад хурсандмиз. Биз ана шу тарихий воқеа билан республикада истиқомат қилаётган барча миллат ва элатларни чин қалбдан табриклаймиз

Ҳаёт янгиланишининг рамзи бўлган муқаддас Наврўз арафасида Ўзбекистонимизнинг кўп асрлик тарихида янги саҳифа очилганидан чексиз фахрланамиз. Бу ўлка, саховатли ўзбек халқи кўнглининг кенглиги, дўстлиги ва инсонпарварлиги билан ҳамиша таҳсинга сазовор бўлиб келган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркдаги қароргоҳи биноси ёнида кўтарилган Ўзбекистон миллий байроғи абадий ҳилпирайверсин. Ишонамизки, минг йиллик бой маданиятга эга бўлган кўп миллатли Ўзбекистон халқлари умумбашарий қадриятларнинг жаҳоншумул хазинасига муносиб ҳисса қўшадилар.

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич, сизга сиҳат-саломатлик ва Ватан равнақи йўлидаги ишингизда муваффақиятлар тилаймиз.

Ўзбекистонда яшаётган қирғизлар номидан Ўзбекистон Республикаси халқ депутати Хидир ШУКУРОВ, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида яшаётган қирғизлар маданий марказининг раиси Аброр КАРИМОВ.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВга

Қашқадарё вилояти меҳнаткашлари номидан сизни ва сиз орқали мустақиллик йўлида сабр-тоқат билан фидокорлик кўрсатаётган халқимизни тақдиримизда юз берган оламшумул воқеа — Ватанимизнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзолигига қабул этилганлиги билан муборакбод этамиз, — дейилади вилоят ҳокими **Т. Хидиров**нинг табрикномасида. — Бу қутлуғ кун шубҳасиз тарих саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан ёзилади. Республикамиз келажаги, унинг ҳамжамиятда муносиб ўрин топиши йўлида улуғ аждодларимизнинг руҳи бизга ҳамиша мададкор бўлсин.

* * *

Ўзбекистон тупроғида уйғонаётган баҳорнинг илк кунларида, улуғ айём — Наврўз арафасида асрлардан буён мустақиллик орзу-ҳавасида бўлган халқимизнинг келажаги шарофатли нурларга йўғрилгани муборак бўлсин. Навоий вилояти аҳолиси Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлгани билан барча ватандошларимизни сидқидилдан қутлайдилар, — дейилган вилоят ҳокими **А. Айдарқулов**нинг қутловида. — Вилоят меҳнат жамоалари, жами фуқаролари ўлкамиз осойишталигини таъминлаш, унинг мустақиллигини мустаҳкамлаш учун бор куч-ғайратларини ишга соладилар.

* * *

Ўлкамиз тарихида юз берган улуғ ва унутилмас воқеа — Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо этилгани меҳнаткаш халқимизнинг мустақиллик йўлидаги асрий орзу-умидлари ушалаётганидан далолатдир. Барчамизнинг қалбимиз фахр ва ифтихор туйғуларига тўлиб-тошган бугунги кунда Хоразм вилоятининг каттаю кичик барча аҳолиси қутловини қабул этгайсиз. Халқимизга доимо зафарлар ёр бўлаверсин, — деган сўзларни ўқиймиз вилоят ҳокими **М. Жуманиёзов** табригида.

(ЎзАХБОР).

ХАБАРИНГИЗ БОРМИ?

✦ Тошкентда ўзбек халқ чолғулари ва баян созанда-ижрочиларининг тўртинчи республика танлови ўтказилаяпти. 12 мартгача давом этадиган бундай маҳорат кўриги давомида янги-янги истеъдод соҳиблари аниқланадилар.

✦ **5 март куни Москвадаги В. И. Ленин музейи биноси олдида Сталин вафотининг 39 йиллигига бағишланган митинг бўлиб ўтди. Унда бир неча юз киши қатнашди.**

✦ Қозоғистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши республикада чиқаётган «Эдилет» ва «Голос» рўзномаларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун йилига саккиз миллион сўмдан иборат жамғарма таъсис этди.

✦ **Россия марказий банки 4 мартдан эътиборан долларнинг сўмга нисбатан қуйидаги курсини белгилади: бозор нархида бир доллар тўқсон сўм, махсус тижоратда эса эллик беш сўмга тенг.**

✦ Мўғулистон бош вазири Дашийн Бямбасурэн Москвага амалий ташриф буюрди. Мақсад икки томонлама иқтисодий муносабатни ривожлантириш масалаларини муҳокама қилишдир.

✦ **Туркманистоннинг Украинага берилаётган газни тўхтатиб қўйиш ҳақидаги қарори жуда хавфли иқтисодий бузғунчиликдир, деди Украина бош вазири Витольд Фокин. Ҳали ҳам кеч эмас, номаъқул қарорни бекор қилиш ҳамда Россия газ концерни иштирокида уч томонлама музокараларни бошлаш лозим, деб қўшимча қилди у.**

✦ Узоқ Шарқдаги Уссурийск шаҳрининг баъзи одамлари дала ҳовлиларни ўғрилардан ҳимоя қилишнинг ўзига хос усулини ўйлаб топишди. Улар портловчи ясама қурилмалардан фойдаланишаяпти. Ўзгалар мулкига кўз олайтирадиганлардан уч киши ана шундай «ҳимоя» қурбони бўлди. Портлаш натижасида бири оёғидан ажралди, иккитаси контузия орттирди.

✦ **Лондондан мудҳиш хабар келди. У ерга операция қилдириш учун учиб борган машҳур артист Евгений Евстигнеев вафот этди.**

✦ Собиқ СССРнинг давлат ички қарзи қарийб уч триллион сўмга етади. Бу маблағ тўғридан-тўғри аҳолидан олинган. Қачон қайтарилиши номаълум.

✦ **Австрияда қиш мавсуми ҳали авжида. Баланд тоғлар қор билан қопланган. Аммо деярли ҳар куни ноxуш хабарлар эшитилиб турибди. Тоғда чанғи учиш хатарли бўлиб қолди. Олинган маълумотларга қараганда, ўн тўртта ўлим ҳодисаси рўй берган, икки минг киши майиб-мажруҳ бўлган.**

✦ АҚШнинг Коннектикут штатида яшовчи эр-хотин Кауфманлар Ульянов болалар уйида тарбияланаётган Светланани асраб олдилар.

✦ **Мана энди космик кема ҳам кимошди савдосига қўйиладиган бўлди. Собиқ СССРнинг 1990 йил 11—27 апрель кунлари орбитада учган «Фотон» илмий станцияси 23 апрелда Парижда бўладиган олди-сотдида кимнингдир мулкига айланади.**

✦ Лисичанск шаҳри касалхонасига Новодружеск посёлкасига яшовчи В. Репинни жуда оғир ҳолатда олиб келишди. У кечаси роса ичиб, эрталаб бош оғриғи қилмоқчи бўлди. Маҳаллий дўкондан ҳар эҳтимолга қарши олиб келган шишасидан стаканга қуйиб, ютиб юборди. Ҳамма даҳшат шундаки, сотувчи ўша шишага адашиб арақ ўрнига хлорофос қуйиб берган экан.

✦ **Қозоғистон Республикасининг Президенти Нурсултон Назарбоев Олмаотада Буюк Британиядаги АЙ-ТИ-ЭН телекомпанияси мухбири саволларига жавоб қайтарди. Мухбирнинг мусулмон давлатларидан қайси бирининг иқтисодий тараққиётини афзал кўрасиз, деган саволига жавобан у: «Менинг назаримда бирорта мамлакатнинг тажрибасидан тўла-тўкис фойдаланиб бўлмайди, чунки Қозоғистоннинг ўзига хос хусусиятлари бор», — деди. Бироқ қозоқлар ҳам ислом динига мансуб бўлганликлари сабабли мусулмон давлатлари орасида Туркия бизни кўпроқ қизиқтирмоқда. «Бу масала у ерда маданий йўл билан ҳал этилаётганлиги шубҳасиз», — деди Назарбоев.**

✦ АҚШ Мудофаа вазирлигининг расмий вакили Пит Уильямс Ироқ ўз оммавий қирғин қуролининг бир қисмини ва шу қуролларни элтиб қўядиган воситаларни БМТ мутахассисларининг халқаро текширувидан яшириб қолаяпти, деб Вашингтон оммавий ахборот воситалари тарқатган хабарлар тўғрилигини тасдиқлади. Унинг сўзларига қараганда, Ироқ маъмурлари ўтган йили Ироқдаги оммавий қирғин қуроли ва ракета техникасини текшириш ҳамда йўқ қилиб ташлаш юзасидан халқаро назорат ўтказила бошлаган пайтдаёқ тегишли асбоб-ускуналарни яширган эди.

✦ **Польшадаги Краково шаҳрининг арконы давлатлари енгил нафас ола бошладилар... Кўп марталаб ўтказиладиган кимошди савдосида улар, ниҳоят, пайшанба куни В. И. Ленин ҳайкалини пуллашга муваффақ бўлдилар. Ҳайкални Стокгольм тарихий музейи юз минг швед кронасига сотиб олди. Бу ёдгорлик Польша фуқароларининг маблағига Нова Гута металлургия комбинати ҳовлисидаги гулзорга ўрнатилган эди. Икки йил муқаддам шаҳар маъмурларининг фармойиши билан кўчириб олинган салобатли бронза ҳайкални сотишга қарор қилинди. Бироқ 750 миллион злоти [АҚШнинг салкам 74 минг доллари] миқдоридаги дастлабки нарх ҳаддан ташқари юқори бўлганлиги сабабли харидор топилмаётган эди.**

✦ Грузия тахтининг вориси Константин Багратиони яқинда ўз оиласи билан Тбилисига келганди. У юрак касали тутиб қолгани сабабли шаҳар терапия институтига ётқизилди.

✦ **Рим папаси Иоанн Павел II бу йил собиқ Совет Иттифоқига ташриф буюрмайдиган бўлди. Асосий сабаб рим-католик ва православ черковлари ўртасида пайдо бўлган можародир.**

(Ахборот агентликлари ва хориж рўзномалари хабарларидан сараланди).

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИНИНГ ПЛЕНУМИ

1992 йил 5 март куни Ўзбекистон Халқ Демократик партияси Марказий Кенгашининг IV пленуми бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Халқ Демократик партияси таъсис қурултойи резолюциялари бажарилишининг бориши ва партиянинг ташкилий жиҳатдан қарор топиши тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Халқ Демократик партияси Марказий Кенгашининг биринчи котиби М. М. Расулов маъруза қилди. Пленумда Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Халқ Демократик партияси раиси И. А. Каримов нутқ сўзлади.

Музокараларда Ўзбекистон Халқ Демократик партияси Бухоро вилоят кенгашининг биринчи котиби А. Р. Мўминов, ХДП Тошкент вилоят Ўрта Чирчиқ район кенгашининг биринчи котиби Х. Н. Абдужабборов, ХДП Сурхондарё вилоят кенгашининг биринчи котиби А. Э. Тўрақулов, Хоразм вилоят Хива шаҳридаги 20-болалар уйи директори. В. В. Пак, «Ўзбекистон овози» рўзномасининг бош муҳаррири Р. Р. Раҳмонов, Наманган вилоят Задарё районидаги «Гигант» жамоа хўжалиги бошқаруви раисининг муовини Ё. Т. Тошбоев сўзга чиқдилар.

Пленум муҳокама этилган масала юзасидан қарор қабул қилди. Партиянинг 1992 йил учун бюджети тасдиқланди. Баъзи бир низомий нормаларни қўллаш тартибини мувофиқлаштирувчи норматив-методик ҳужжатлар қабул қилинди. Пленум Ўзбекистон Халқ Демократик партияси билан республика Ёшлар иттифоқи ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани тасдиқлади.

И. А. Каримов пленум қатнашчиларининг саволларига жавоб қайтарди.

● ОЛИЙ КЕНГАШ КОМИТЕТЛАРИДА

ҚОНУН МУКАММАЛ БЎЛСИН

Жумҳурият Олий Кенгаши Халқ таълими, фан ва маданий меросни асраш комитетининг 5 мартда бўлиб ўтган мажлиси «Таълим ҳақида»ги қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланди. Комитет раиси А. Асқаров жумҳурият Олий Кенгашининг тўққизинчи сессиясида биринчи ўқишда билдирилган таклиф ва мулоҳазалар асосида қонун лойиҳаси такомиллаштирилганлигини қайд этди. Шунингдек, сессиядан кейинги даврда халқ депутатлари, комитет аъзолари кенг жамоатчилик вакилларининг фикрлари ҳам эътиборга олинганлигини таъкидлади.

Лойиҳани мукаммал таҳлил қилиб, Олий Кенгаш раёсатига тақдим этиш учун ишчи гуруҳи тузилди. Мазкур гуруҳ комитет аъзолари билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим ҳақида»ги қонун лойиҳасини раёсатга топшириши учун бир ҳафталик муҳлат белгиланди.

М. ХОЛМАТОВА.

«ШИРИНЛИК»НИНГ ШИРИНЛИКЛАРИ



⊙ НАМАНГАН ВИЛОЯТИ. Тўрақўрғон районидаги «Ширинлик» комбинатининг маҳсулотлари нафақат республикада, балки хорижий мамлакатларда ҳам маълум ва машҳур. Унинг биргина меваларни қуритиш цехида соатига 6 тонна боғ ва токзорлар неъмати қайта ишланиб, савдо шоҳобчаларига юборилади.

СУРАТЛАРДА: 1. Қадоқлаш цехининг бошлиғи Ҳабибахон Аъзамова ишчилар Турсуной Мамажонова, Майрам Хўжаева ва Ёқутхон Юсуфалиеванинг меҳнатидан мамнун. 2. Меваларни қуритиш цехи бошлиғи Абдуқодир Ёқубжонов, ишчилар Гавҳар Раҳимова ва Мақсуда Воҳидова маҳсулот сифатини кўздан кечиришмоқда. 3. Совғалар цехида.

Еркин БОТИР олган суратлар.

• Унутилаётган соҳа •

ТЎҚЧИЛИК ЙЎЛИ — ҚЎЙЧИЛИК

Айни даврда халқимиз турмуши мураккаб шароитда кечмоқда. Сифатли ва хилма-хил озиқ-овқат маҳсулотлари, жумладан, қўй гўшти тақчиллиги сезилиб турибди. Бозор иқтисодиёти ва эркин нарх-наволар жорий қилинган ҳозирги пайтда қўй гўштини нисбатан кўпроқ истеъмол қилувчи ўзбеклар элида унинг нархи осмонда. Айрим тоифадаги хонадонларни ҳисобга олмаганда, оддий ва кўпчилик оилалар қозонида гўшт қайнаши тобора мушкуллашиб бормоқда. Бу тақчиллик боиси нимада? Етишмовчиликнинг олдини олиш мумкинми?

Маълумки, кейинги 15—20 йил мобайнида Ўзбекистон маданий экинлар майдони табиий яйловлар ҳисобига кенгайтирилди. Қўйчилик (қоракўлчилик) ривожига зарба етказилди. Бу 50-йиллар охири, 60-йиллар бошларида халқнинг қўлидаги чорвасини таг-туби билан йўқ қилиш тўғрисидаги калтабинлик билан олиб борилган сиёсатнинг бевосита давоми эди. Табиийки, бу қўйлар бош сонининг камайишига олиб келди. Оқибатда ҳозирги кунда Ўзбекистонда 5 кишига атиги 2 та қўй тўғри келмоқда, холос. Йўриғимиз шуки, мавжуд яйловлар ҳолати, ҳосилдорлиги ва озуқа майдонлари таркибини ҳисобга олган ҳолда қўйларни асраш, парваришлаш ва жойлаштиришнинг синалган, мақбул усулларини ҳаётга жорий этиш талаб қилинмоқда.

Маълумки, қўйларни яйловда асраш муҳлати кўпроқ, қўлда боқиш муҳлати озроқ. Шундай экан, бозор иқтисодиётига ўтаётган ҳозирги танглик даврда қўйчиликни бошқариш ва юритишнинг ҳамма йўлларини тўла ишга тушириш тадбирлари кўрилмоғи зарур. Бу ўринда сергўшт-серёғ ҳисори ва жайдари думбали қўйчиликни ривожлантиришда фермер хўжаликлари ишини ривожлантириш мақсадга мувофиқ.

Кейинги йилларда жумҳуриятимизда 700 минг янги хонадон ташкил топди ва ер билан таъмин этилди. Мен эса бу хабарнинг талқини сифатида хонадонларда камида 700 минг бош қўйни кўргим келади. Бу афсона эмас, аксинча чинакам ҳаёт. Бозор иқтисодиёти ечими деб шуни айтади. Буни қилмаган оила кам қувватлигича қолаверади.

Умуман, қўйчиликни ривожлантиришда Ўзбекистонга нисбатан ер майдони ва аҳоли жиҳатидан бир неча бор кичик, лекин бизга нисбатан кўп қўй бош сонига ва маҳсулотига эга бўлган хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш фойдадан холи бўлмас эди.

Булғория кичик мамлакат, 10 миллион қўйи бор. Шу вақтгача Ҳамдўст мамлакатларни, жумладан, бизларни ҳам қўй пишлоғи билан таъмин этиб келди.

Ўзбекистонда қарийб 1,5 миллион бош қоракўл «Мари» совлиқлари соғишга ҳозир бўлса-да, лекин соғилмайди. Ҳатто 50-йилларнинг иккинчи ярмида ҳам барча товаршунос қоракўлчилик хўжаликларида қоракўл қўйлари соғилар эди. Хўжалик фермалари ичида жойлашган кичик корхоналар ўта ширинтоб ва мазали пишлоқ ҳозирлаб, давлатга сотар эдилар. Қани энди ўша ишбилармонлик ва уддабуронлик. Ахир булар ўзимизда бўлган эди-ку. Ихтисослашган қоракўлчилик хўжаликларида қўйни соғиш ва сутни қайта ишлайдиган кичик, ихчам ширкатларни ташкил қилиш, тиклаш ва уларни замонавий ускуналар билан жиҳозлаш пайти келди.

Ўзбекистонда ҳам бошқа Ҳамдўстлик давлатлардаги каби гўшт тақчиллигининг сабабларидан бири сифатида ихтисослашган гўштдор қорамол бўрдоқичилиги соҳасининг ривожланмаганлигини важ қиладилар. Шундай йўналишни кучайтириш ишлари баъзи бир жойларда аллақачон бошланиб кетган. Ўйлаймизки, бу иш ўз самарасини беради. Аммо айни вақтда Ўзбекистонда гўшт етиштириш чорвачилиги йўқ эмас — бор эди-ку. У ҳам бўлса, машҳур ва жаҳонга маълум шоҳ қўйларимиздан ташкил топган ҳисори зоти ихтисослашган гўштдор-ёғдор қўйчиликнинг юксак ва беқиёс намунаси эди десак, хато кетмаймиз.

Ҳисори қўйида ўзбек ва тожик авлодларининг минг йиллар давомида мисқоллаб тўплаган меҳнати жамланган. Уни сезсак ҳам ўзимизни сезмаганликка олдик. Жаҳондаги энг йирик, тез етилувчан, мўл-кўл гўшт, думба ёғи беришда тенги йўқ ҳисори қўйини, минг афсуслар ки, айбсиз айбдор қилдилар. Уларга бошқа думбали қўйлар, оз ва дағал жун берувчилар қабилида муомалада бўлиб, ҳисори қўйига асоссиз таъналар тўнкалди. Ачинарлиси шундаки, борини йўқ қилдик. Йўғини эса ҳанузгача бор қилолмадик. Аждодларимизнинг оқилона, машаққатли меҳнатлари натижаси бўлмиш ўтмишдан бизга мерос бўлган ҳисори қўйини асраб қололмадик.

1950 йили Ўзбекистонда бир млн. атрофида ҳисори қўйи бўлган бўлса, ҳозир улардан атиги 250 минг бош сақланиб қолди, холос.

Эндиги вазифа Ўзбекистондаги думбали қўйлар туркумини, ҳисори қўйи бош сонини кўпайтирган ҳолда қўй гўшти етиштирувчи йўналишни ривожлантириш тадбирларини кўришдан иборатдир.

Қўй зотлари ичида чинакамига мўъжиза яратувчиси қоракўл қўйидир. Лекин бундан ҳисори ва жайдари қўйларнинг аҳамиятини камситиш, уларга бўлган эътиборни иккинчи даражага тушириб қўйиш деган маъно келиб чиқмаслиги лозим. Афсуски, баъзи бир раҳбар, мутахассис ва олимларимиз ҳатто жаҳон махсус адабиётида ҳам ўз номи билан аталувчи ҳисори ва жайдари қўйларга нотўғри маъно бериб, уларга «Аборигены», «Местные», «Малопродуктивные», «Неулучшенные», «Беспородные», «Бесшерстные» ва яна аллабало номлар тақиб, Ўзбекистоннинг гўштдор-ёғдор думбали қўйларини насл-насабигача айнитиб, ўзгартиб юборди.

Озиқ-овқат маҳсулотининг олд қаторида турган гўй гўшти ва қўй ёғи муҳимроқми ёки қўй жуни? Бу ҳақда ҳам фикрни равшанлантириб олиш вақти келмадимикан? Жун олиш лозим экан, Ўзбекистон думбали қўйчилигининг асосий ва мақбул йўналишини барча жойда бузмасдан, зот ичидаги ишларни такомиллаштириш ва жадаллаштириш йўли билан, кўп қўй гўшти ва мўл думба ёғи қаторида қимматбаҳо гилам ва мовутбоп жун олишни жадаллаштирмоғимиз ўринли. Бу борада Тошкент давлат аграр дорилфунуни тажриба хўжалигида яратилган ва кўпайтирилиши лозим бўлган оқ тусли жайдари қўйи эътиборга лойиқдир.

Жайдари ва ҳисори қўй табиатини қайта «ясаймиз» деб, уларни не-не кераксиз ва асосланмаган қўй зотлари билан ўринсиз чатиштириш «ҳужумида» меринос, дегерес, алай каби бир қанча қўй зотлари иштирок этди. Натижада на қўй гўшти (ёғи) ва на қўй жуни олинди. Йирик думбали қўйимиз чоқ қўйлар сафига тушиб қолди. Эндиликда Деҳқонобод, Ғаллаорол, Бахмал, Зомин, Ховос ва бошқа ҳудудлардаги шахсий ва деҳқон фермер хўжаликлари эса йирик жайдари қўйларини куппа-кундуз чироқ билан қидириб ҳам топишолмаяпти. Халқ бу қўйларга муҳтож.

Жайдари ва ҳисори қўйчиликни ичидан такомиллаштириш омилини узоқдан қидирмасдан, ўз қоракўлчилигимиз тажрибасидан ўргансак арзийди. Шунинг учун ҳам ихтисослашган қўйчилик, қоракўлчилик, эчкичилик ва туячилик илмий-амалий ягона марказини шакллантириш Ўзбекистон учун зарур деб биламиз. Бу соҳалар билан бел боғлаб шуғулланувчи бирон-бир кўзга кўринган ташкилот ва тармоқнинг масъулиятли жонкуярлари бўлмоғи зарур.

Қўйчиликни бошқариш ва идора қилишнинг давлат, жамоа усуллари билан бирга фермер ва шахсий хўжаликларга кенг имконлар берилиши муносабати билан фермерларни ўқитиш биринчи даражали вазифага айланди. Чунки уларнинг кўпчилиги бу ишга биринчи бор қўл урмоқдалар. Маслаҳатга муҳтожлиги бизга келаётган хатларидан ҳам маълум. Фермер хўжаликларига катта эркинликлар берилиши, уларнинг ихтисослашган ва маълум бир соҳанинг моҳир усталари бўлмоқларига ёрдам беришимиз лозим.

Чўпон ва фермернинг оғирини енгил қилувчи, сурувларда ишлаши қулай бўлган ихчам ва кичик воситаларни тегишли ихтирочи — саноатчилар яратиб, етказиб беришига умид билан боқамиз. Ҳозирча бу энг долзарб муаммолигича турибди. Чунки эри-хотин, бола-чақаси билан тирмашиб, кўп ҳолларда қўл кучи билан қўй ва эчкиларни асраб, парвариш қилиб турган, зоти улуғ халқимнинг вакили бўлмиш чўпон аҳлини кўрганда, уларнинг аҳволига ачинасан киши.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президенти яйлов чорвачилиги (қоракўлчилик, уюр йилқичилиги ва туячилиги) ходимларини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишнинг қўшимча тадбирлари тўғрисида фармон бердилар. Чорвадорлар бу олий ҳимматни, Ўзбекистон чорвачилигини (қўйчилигини) ривожлантириш йўлидаги ғамхўрлик деб билмоқдалар.

Серҳаракат ва уддабурон хўжалик раҳбарлари, мутахассис ва ҳақиқий қўй эгалари бўлмиш чўпонлар (фермерлар)нинг ташаббускорлиги туфайли бозор иқтисодиёти оқибатида юзага келган вақтинчалик қийинчиликлар бартараф этилишига ишончимиз комил.

Абдусаттор АМИРОВ,
Тошкент давлат аграр дорилфунуни доценти.

• Кичик корхонанинг катта юмуши •

ҒИШТ ЎРНИГА ПЛИТА

Ўтган йилнинг баҳорида Зарбдор райони ҳудудида, аниқроғи — қишлоқ хўжалиги техникасини созлаш корхонасига қарашли ташландиқ бир бинода кичкинагина ширкат пайдо бўлди. Уни «Контур» деб аташди. Унинг аъзолари барча қонун-қоидаларга рисоладагидек амал қилган ҳолда ўзларининг ишлаб чиқариш фаолиятларини белгиловчи низомни қабул этдилар. Мазкур ҳужжатга биноан ширкатчилар қурилиш ашёларини ишлаб чиқаришга, «Жиззах чўл қурилиши» бирлашмаси корхоналари эҳтиёжини таъминлашга киришдилар. Чунки жамики жиҳозлару хом ашёни шу бирлашма берганди.

— Биз ишлаб чиқараётган асосий маҳсулот ганч қоришмасидан тайёрланган плиталардир, — дейди ширкат раиси Борис Чунихин. — Ҳар бири тўртбурчак шаклда бўлиб, диаметри 8 та пишиқ ғишт ён томонининг юзича келади. Улар уйларнинг ички хоналарини бир-биридан ажратиб турувчи деворларни тиклашда ишлатилади. Плиталарнинг ён томонларида, шунингдек махсус чуқур из ва бўртик борки, ана шу мосламалар ёрдамида улар бир-бирлари билан туташтирилиб кетилаверилади. Бир қурувчи кунига 20 квадрат метр деворни кўтариши мумкин.

Плиталарнинг афзаллиги фақат шулардан иборат эмас. Аввало қўл меҳнати тежалади—цемент қоришмаси керак бўлмайди. Иккинчидан, девор сувоқ қилинмайди: плиталарнинг юзи жуда силлиқ ва текис. Гулли қоғоз ёпиштирилса айни муддао.

Қанийди иқтисодиётимизни оёққа турғазишга кўмаклашадиган бундай кичик корхоналар сони кўпаяверса. Афсуски, улар районимизда бармоқ билан санарлидир.

Абдулфайз БАРОТОВ,
«Жиззах чўл қурилиши» бирлашмаси «Бўстон» рўзномаси муҳаррирининг ўринбосари.

ҚУРБОНЛАР ХОТИРАСИГА

1990 йил 12 февралда Душанбеда юз берган фожиали воқеалар қурбонлари хотирасини абадийлаштиришга қарор қилинди. Бундан буён бу сана Қурбонлар хотираси куни бўлади. Шаҳидон майдонида шаҳидлар исми-шарифи ёзилган ёдгорлик ўрнатилади. Жумҳурият прокуратурасига ўша машъум воқеалар туфайли судланган кишиларни авф этиш таклифи киритилди.

Тожикистон Жумҳурияти Вазирлар девони қурбонларнинг оилаларига минг сўмдан моддий ёрдам кўрсатади.

Ўринбой УСМОН,
«Халқ сўзи»нинг Хўжанддаги махсус мухбири.

• Олий таълим ва иқтисод •

БУГУНГИ БИР СЎМ — ЭРТАНГИ МИЛЛИОН

Олий таълимдаги муаммолар ўзга соҳалардагидан кам эмас. Бозор иқтисодиёти бу жабҳага ҳам таъсирини ўтказажаги тайин. Хўш, келгусида уларнинг аҳволи қандай бўлади! Олий ўқув юртларининг ўзларида тадбиркорликка шароитлар борми ва бунинг учун уларнинг имкони қай даражада! Мухбиримиз Жиззах вилояти ва шаҳар кенгашларининг депутати, Жиззах давлат педагогика институтининг ректори, филология фанлари доктори, профессор Бозор ЎРИНБОЕВ билан билим даргоҳининг шу борадаги ишлари, муаммолари хусусида суҳбатлашди.

— Бозор Ўринбоевич, биз шу вақтгача танқид қилиб келган капитал дунёсининг ишбилармонлик, омилкорлик, бизнесменлик каби «иллат»лари ўзимизнинг ҳаётимизга ҳам тобора жадал кириб келмоқда. Ҳеч бир режаларга асосланмаган бозор иқтисодиётида корхона ва муассасалар мустақиллигига кенг ўрин бериб, яхши қилинди. Лекин бу сиёсат билим масканларининг аҳволини оғирлаштириши табиий. Негаки, уларни маблағ билан давлат таъминлар эди. Кадр тайёрлаш режалари ҳам юқоридан белгиланарди. Республикамизда 115 мингдан зиёд талаба давлат жамғармасидан, атиги 7 мингга яқини корхона ва ташкилотлар ҳисобидан нафақа олар экан. Агар иқтисодий сиёсат бутунлай ислоҳ қилинадиган бўлса, бундай шароитда талабаларни ким ҳимоя қилади. Бу таҳдидлар келажакда институт ва билимгоҳларнинг яшаб қолишини гумон остига қўймайдими? Шу туфайли билим даргоҳларининг ўзларида ҳам қандайдир чора-тадбирлар кўрилаётгандир?

— Агар яқин орада ўқув масканларининг режа ва тартиблари қайта кўриб чиқилмаса, бу иқтисодий буҳрон, таҳликали таназзул уларни бутунлай ўз домига ютиб юбориши аниқ. Барча олий ва ўрта махсус билим даргоҳларининг кадрлар тайёрлаш сиёсатини қайта ишлаб чиқиш даври келди. Зеро, келажакда мустақил Ўзбекистонга чет эл иш юритиш тажрибасидан хабардор, бир неча тилларда машғулот олиб бора оладиган, билганларини ёшларга ўргатиш иқтидорига эга тадбиркор, билимдон, зукко мутахассислар керак. Бунинг учун ўқув системасини тубдан ислоҳ қилиш, ўқитиш шарт-шароитларини замон талаблари даражасига кўтариш зарур. Дипломлилар сони учун эмас, сифати учун курашмоқ лозим. Илмгоҳларга юқоридан белгиланган режалар асосида қабул қилиш тартибидан воз кечиш керак. Республика Халқ таълими вазирлиги билан келишган ҳолда қабул қилинадиган талабалар сонини икки баробар қисқартириш лозим. Қолган эллик фоизини ўқитишга кетадиган маблағ валюта ҳисобида бир йўла ёки имкон даражасида институтлар ихтиёрига ўтказилса, ёшларни нафақат ўз институтларимизда балки чет элларда ўқитиш имкониятига эга бўлардик.

Бизнинг бугунги мақсадимиз эшик қоқиб турган бозор иқтисоди гирдобида қолмай, кадрлар тайёрлаш режасини янада такомиллаштириш. Модомики шундай экан, институтимиз давр талабидан келиб чиққан ҳолда мустақил муассасага айланса, ҳозиргидай иш юритиш услуби белимизни букиб қўйиши турган гап. Қолаверса, ўқитишни пуллик қилиш ҳам ўзининг ижобий самарасини бермайди. Чунки республикамиздаги ўнлаб маърифат ўчоқлари етиштириб бераётган ўқитувчи ва тарбиячилар сони жуда катта бўлишига қарамай, уларнинг кўпчилиги даврнинг бугунги кун талабларига жавоб бе ролмайди.

Ривожланган капиталистик мамлакатларнинг тараққиёт йўли дастлаб олий таълимни қайта қуришдан бошланганидек, биз ҳам ишнинг ибтидосини ана шу пойдеворни мустаҳкамлашдан бошламоғимиз лозим. Бунинг учун эса хорижликларнинг иш юритиш услубидан хабардор бўлишимиз шарт. Афсуски, бу борада валютага бўлган эҳтиёжимиз кимларнингдир қўлига кўз тикиб туришга мажбур қилади. Лекин буни ўзимиз ишлаб топишимиз учун ҳам имкониятлар бор.

— Демак, сизлар ҳам тадбиркорликнинг қайсидир усулларини институтда йўлга қўймоқчи бўлаяпсизлар?

— Келажакда ҳар бир корхона иложи борича хорижий мамлакатлар билан мустақил иқтисодий шартномалар тузишга киришади. Масалан, ҳозирда Жиззах шаҳрида фаолият кўрсатаётган «Сўғдиёна» кооператив ташкилоти Япониядаги корхоналар билан ҳамкорликда иш бошлаган эди. Бу тадбиркорлар дастлаб шерикларига тоғ исириғи жўнатишган бўлса, энди унинг қаторига қорапўчоқ пиллани қўшишди. Шу тариқа айирбошланадиган маҳсулотлар рўйхати тобора кенгайиб бормоқда. Мазкур ширкатчиларга чет тилларда мулоқот қила оладиган, хорижликларнинг иш юритиш услубларидан хабардор кадрлар сув билан ҳаводек зарур. Агар биз уларга бу борада ёрдам берсак, ўзаро шартнома тузишга жон-жон, деб рози бўлишарди. Афсуски, биз эскича ишлашдан ҳамон воз кечолмаяпмиз.

— Дейлик, институт ана шу ташкилот ва муассасаларнинг кадрларга бўлган эҳтиёжини қондирса, сизлар бундан қай даражада манфаатдор бўлишларингиз мумкин?

— Юқорида айтиб ўтилган икки томонлама ҳамкорлик туфайли аввало валютага эга бўламиз. Бугун усиз хорижда ишлаб чиқарилган ўқув жиҳозлари, турли хил ЭҲМлар, электр ва радиотехника асбоб-ускуналарини сотиб олиш мушкул.

Агар кўзингиз тушган бўлса, институт ёнида бир неча йилдан буён битмай чала ётган кутубхона, мажлислар зали ва ўқув хоналари биноси мунғайиб турибди. Уларни тезроқ тиклашларини илтимос қилиб бир неча қурилиш ташкилотларига мурожаат этдик. Лекин ашёларнинг тақчиллиги, моддий асосимизнинг ночорлиги ишнинг силжишига имкон бермаётир. Аммо биз «олма пиш, оғзимга туш» қабилида қўлни қовуштириб ўтирганимиз йўқ. Ички имкониятлар ҳисобига институт қошида «Калом» номли ширкат-ўқув мажмуини ташкил этдик. Унда асосан араб тилидан сабоқ берилади. Ўқиш — пуллик. Меҳнат таълими куллиётида эса енгил автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва тикувчилик малакаларини берувчи бўлим фаолият кўрсатаяпти. Биринчи мутахассислик бўйича олиб борилаётган ишларимизда бир оз қийинчиликка учрамоқдамиз. Чунки махсус анжомлар билан жиҳозланадиган устахонани тиклаш учун қурилиш материаллари топилмаяпти.

Тикувчилик устахонаси учун шаҳардаги трикотаж фабрикаси билан тузилган шартнома асосида иккита тикув машинасига эга бўлдик. Бунинг эвазига ўз зиммамизга корхонадан хорижий мамлакатлар иш тажрибасини ўрганишга борадиган ходимларга тил ўргатиш мажбуриятини олдик.

Иқтидорли болаларни ўқитиш ҳам диққат марказимизда турибди. Янги ўқув йилидан бошлаб шу мақсадга йўналтирилган махсус курсга юз нафар талаба қабул қилинди. Бунда ўқувчининг ўрта мактабни битирув имтиҳонлари натижаси институтимизга кириш имтиҳони ҳисобига ўтади. Агар ўқувчининг баҳолари қабул тартибида кўзда тутилган баллга тўғри келмаса, институтнинг ўзида кириш имтиҳонни топширади. Бу билан у билим ва омадини яна бир марта синаб кўриш имкониятига эга бўлади.

Бундан ташқари, чет тилини ўрганиш маркази ишини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу ерда биз билан шартнома тузган муассаса ходимларига немис ва инглиз тиллари ўргатилмоқда. Келгусида ана шу рўйхат янада кенгаяди. Тил эгаллашнинг руҳиятга алоқадор жиҳатларини ўрганиш мақсадида иккита ўқитувчимиз Афғонистонга жўнаб кетди. Олимларимизни Европа мамлакатларига ҳам юборишни мўлжаллаганмиз. Кўриб турибсизки, амалга оширилаётган, режалаштирилган ишларимизнинг кўлами жуда кенг. Агар турғунлик йилларининг асоратлари бўлмаганда эди, бу эзгу ният ўз ҳосилини аллақачон бера бошлаган бўлур эди.

— Институтнинг ички ҳаётига боғлиқ ва қисқа муддатда ҳал қилиниши зарур муаммолар ҳам бўлса керак?

— Юқорида айтиб ўтганимдек, жамоамизни ўйлантираётган асосий дард — талабаларни хорижга чиқариш, бакалаврлар тайёрлаш. Бунга уй-жой қурилишини ҳам қўшиш керак. Халқ депутатлари вилоят ижроия комитетининг 1991 йил 11 апрелдаги қарорига биноан шаҳар четидан 10 гектар ер институт ихтиёрига берилган эди. Бўлғуси қўрғоннинг лойиҳа-сметалари аллақачон тузилган. Лекин уни амалга оширадиган қурилиш ташкилотининг ўзи йўқ. Агар биз билан шартнома тузишга рози пурдатчилар бўлса, дарҳол алоқа боғлашга тайёрмиз. Ахир улар ҳам қачонлардир дунё иш тажрибасини ўзлаштириш учун тил ўрганишга эҳтиёж сезишар.

Мустақил республикамизга билимдон педагоглар ва чет эл иш тажрибасидан хабардор мутахассислар етказиб бериш бизнинг олий вазифамиз. Бу йўлда институтимиз олимларию ўқитувчилари ўзларининг куч-ғайратларини аямайдилар. Шу боисдан ҳам жамоамиз ўз-ўзини маблағ билан таъминлашнинг ички резерв ва имкониятларини тинмай изламоқда. Бироқ, бу ишларимиз етук кадрлар етказиб беришдек мураккаб ва масъулиятли вазифани амалга оширишга урвоқ ҳам бўлмайди. Таълим-тарбия, кадрлар тайёрлаш соҳаси асосан давлат ғамхўрлигига, иқтисодий бақувват саноат корхоналари ва хўжаликлар, ширкатларнинг моддий ёрдамига муҳтож. Бу соҳага бугун сарфланган бир сўм, эртага халқ хўжалигига миллионлаб фойда келтиришини унутмайлик.

Суҳбатдош:
Пўлат ЖОЗИЛОВ.

АКСИ САДО

ИНСОФГА ДАЪВАТ

Ҳурматли «Халқ сўзи» рўзномаси муҳаррири!

Мен рўзноманинг 28 январь сонидаги «Саховатпешалар» саҳифасини жуда ҳузур қилиб, баъзи ўринларда кўз ёш билан ўқидим. Менимча, Қодиржон ҳожига ўхшаш, халқ бахти учун Аллоҳ яратган савдо ходимлари ҳақида ёритиб борсангиз, маъқул бўлади. Чунки кўпчилик савдо ходимларининг ноинсофликлари халқимизнинг жонига тегди. Шояд бошқалар Қодиржонлардан ибрат олса, инсофга келса. Айниқса, ҳозирги қийинчилик даврида халқимизни норизо қилмасдан, бор имкониятдан фойдаланиб, ҳукуматимизга кўмакдош, ҳамнафас бўлиб, Ўзбекистон халқини қийинчиликдан чиқиб кетишига, яхши кунларга етказишга ҳисса қўшсалар.

Сизларга катта ҳурмат билан

Эгамберган ИСКАНДАРОВ,
Хоразм вилоят халқ депутати, Урганч шаҳар 13-маҳаллакўм раиси.

Меҳнаткашларнинг хатлари «Халқ сўзи» назоратида

ТАРТИБСИЗЛИК ҚАЧОНГАЧА?

Тошкент районидаги С. Раҳимов номли жамоа хўжалигининг 1-участкаси пойтахтимизга жуда яқин. Бу ҳудудда мингдан зиёд аҳоли яшайди. Турмуш ташвишлари деганларидек, тез-тез у ёки бу нарса харид қилиш учун шаҳарга тушиб туришимизга тўғри келади. Лекин автобуслар қатнови ниҳоятда ёмон. Шу боис кўп ҳолларда кўчада туриб қоламиз. Ёғингарчилик кунлари қарияларнинг аҳволини бир тасаввур этиб кўринг. Кирмаган эшигимиз, бормаган жойимиз қолмади. Сабр косамиз тўлиб бўлди. Сўнгги умидимиз сизлардан.

Ҳ. СОБИТОВ,
уруш қатнашчиси.
Қ. ЎРИНБОЕВА,
қаҳрамон она.

Ҳ. Собитов, К. Уринбоева ва бошқаларнинг «Халқ сўзи» рўзномасига ёзган шикояти Тошкент вилоятининг йўловчиларни ташиш концерни томонидан ўрганиб чиқилди. Текширишда 1991 йил охирига келиб «С. Раҳимов—Чорсу» йўналиши бўйича автобуслар қатнови камайиб кетганлиги аниқланди. Бунга эҳтиёт қисмларнинг етишмаслиги, ёнилғи таъминотидаги узилишлар сабаб бўлган. Шу боис декабрь—январь ойларида мўлжалдаги 6 та ўрнига 3—4 та автобус қатнаган.

Ҳозирги пайтда юқоридаги йўналишда барча автобуслар мунтазам юриб турибди. Йўл қўйилган нуқсонларнинг қайта такрорланмаслиги учун тегишли тадбир ишлаб чиқилди. Уни назорат этиш Келес автокорхонаси директори муовини А. Исроилов зиммасига юклатилди.

С. РАҲМАТУЛЛАЕВ,
Тошкент вилоят йўловчиларни ташиш концерни раиси.

Мустақиллик ва ташқи сиёсат

ЎЗГАРАЁТГАН ДУНЁДА ЎЗБЕКИСТОН МАВҚЕИ

Қодир АЛИМОВ



МУАЛЛИФ: 1952 йилда таваллуд топган, Москва давлат халқаро муносабатлар институтини тугатган, тарих фанлари доктори, профессор. Ҳозир Тошкент сиёсатшунослик ва бошқарув институтида кафедра мудири. Халқаро ҳуқуқ ва халқаро муносабатлар соҳаси мутахассиси.

АҚШ ташқи сиёсати ва халқаро ҳуқуқ мавзуида ёзилган 5 та рисола муаллифи. 1987-88 йилларда АҚШда илмий ишлар билан шуғулланган, Гарвард, Калифорния, Колумб ва Жорждаун дорилфунунларида лекциялар ўқиган. Ўзбекистон Сиёсатдонлар уюшмаси президенти сифатида халқаро конференциялар ва конгрессларда қатнашган.

Йигирманчи асрнинг сўнгги ўн йиллигида халқаро муносабатларда кескин ўзгаришлар содир бўлди. Икки муҳим омил — халқаро алоқаларни мафкурадан ҳоли қилиш ҳамда жаҳоннинг буюк давлатларидан бирида ўтказилаётган ислоҳот янгича тартиботларнинг қарор топишига олиб кетди. Сиёсий геометрия мураккаблашмоқда. Жаҳон миқёсидаги сиёсий кенглик тобора кўп ўлчовли бўлиб бораяпти. Республикаларнинг мустақил бўлиши уларнинг халқаро майдондаги тўла масъулиятини ҳам белгилаб бермоқда. 1991 йил 31 августда Ўзбекистон мустақил деб эълон қилиниши дарҳол бутун дунё сиёсатдонларининг диққат-эътиборини тортди. Чунки у Марказий Осиё минтақасидаги нуфузи баланд давлатлардан биридир. СБСЕ бўйича Москва конференцияси доирасида ўтган олимларнинг совет-америка учрашувида мени саволларга кўмиб ташлашди: Осиё республикалари бундан кейин қандай сиёсий йўл тўтадилар? Бу йўл Европа-Осиёнинг ҳаётий муҳим минтақасида ислом омилига қай тарзда таъсир ўтказади? Улар Яқин ва Ўрта Шарқда, умуман бутун дунёда кучлар балансини қанчалик ўзгартириб юборади? Форс кўрфазида бўлиб ўтган урушдан кейин қарор топган «янги жаҳон тартиби»нинг ҳоли не кечади?» Кўриниб турганидек, саволлар мураккаб, ушбу мақолада мен уларга жавоб қайтармоқчи эмасман. Фақат Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги ташқи сиёсий йўли қандай бўлиши ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларимни баён этмоқчиман. Шу муносабат билан мустақил Ўзбекистоннинг **миллий манфаатлари** ҳамда **ташқи сиёсий устиворликлари** концепциясини аниқлаш ҳақидаги масала амалий қизиқиш уйғотмоқда. Ташқи сиёсий концепция, назаримда, **ташқи сиёсий йўл, ҳуқуқий негиз** ва ана шу йўлни амалга ошириш **механизми** узвий қўшиб олиб борилиши билан белгиланади.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Швейцарияда иқтисодий муаммоларга бағишлаб ўтказилган конференциядан кейин берган мусоҳабасида бундай деди: «Ёш мустақил республикамизнинг ташқи сиёсати жаҳон ҳамжамиятига бошқа давлатларга айнан ўхшаб киришни таъминлашдир. Ўзбекистон халқлари танлаган тарихий йўл жаҳон ҳамжамияти томонидан маъқуллаб кутиб олинганидан биз ҳурсандмиз. Жуда кўпчилик давлатлар Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини эътироф этдилар».

Бошламасига бир қанча назарий фикр-мулоҳазаларни келтириб ўтай. Сиёсатдонларнинг сўз бойлигида ишлатиб келинаётган «миллий манфаат» тушунчаси жамиятнинг этник характеристикаси билан эмас, балки қатъий шаклланган миллат, кўп ҳолларда эса давлат мавжудлиги далили билан боғланади.

Халқаро мулоқотда «давлатнинг миллий хавфсизлиги» деганда ташқи ва ички хавф-хатардан ҳимоя қилиш, ташқаридан бўладиган салбий таъсирга бардошлиги, жамият ва фуқароларнинг ҳар томонлама барқарор равнақ топиши учун имкониятни кафолатлайдиган ички ва ташқи шароитнинг таъминланиши назарда тутилади.

Миллий хавфсизлик бутун жамиятнинг олий манфаатларини (фуқаролар ёки алоҳида шахслар гуруҳлари манфаатларидан фарқлироқ) акс эттирувчи «миллий манфаатлар» тушунчаси билан чамбарчас боғлиқдир.

Ана шундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикасининг туб миллий манфаати энг аввало чинакам демократик фуқаролик-ҳуқуқий жамиятни шакллантиришдан иборат бўлиб, унда маданийлашувнинг ҳозирги босқичидаги барча моддий неъматлардан фойдаланиш негизида жамият ҳамма аъзоларининг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатлари ҳамда ҳуқуқлари таъмин этилади.

Ташқи сиёсат Ўзбекистоннинг миллий манфаатига эришиш учун ташқи шарт-шароитни вужудга келтиришга хизмат қилиши лозим. Бунда республиканинг жуғрофий-стратегик аҳволидан келиб чиқиш керак, албатта. Халқаро муносабатларнинг жуғрофий-сиёсий қатлами воқеликдир. Бирон-бир давлатнинг ташқи сиёсий куч-ғайрати ва устивор йўналишларч ҳамда интенсивлиги кўп жиҳатдан у ер куррасининг қаерига жойлашганига боғлиқ. Масалан, АҚШ Президентининг миллий хавфсизлик бўйича собиқ ёрдамчиси Зб. Бжезинский ўтган йил декабрида мен билан суҳбат чоғида «бирлашган Туркистон» Яқин ва Ўрта Шарқдаги кучлар балансини бузиб юбориши мумкин» деган хавфсирашни яшириб ўтирмади.

Ўзбекистоннинг миллий хавфсизлигини таъминлашнинг қандай йўллари ва воситалари бор, ҳаёт қайси устиворликни тақозо этаяпти?

Ўзбекистоннинг **ташқи сиёсий устиворлигини** икки тоифага бўлиш мумкин: **функционал ва ҳудудий.**

Функционал устиворликка иқтисодий, ҳарбий ва сиёсий соҳалар киради.

Кўриниб турибдики, **иқтисодий устиворликлар** биринчи ўринга чиқмоқда. Республика иқтисодиётининг жаҳон хўжалигидаги иштирокини таъминлаш ҳамда собиқ иттифоқдош республикалар билан умумий иқтисодий тенгликни барпо этиш учун ҳамма шарт-шароитни вужудга келтириш зарур.

Иқтисодий соҳада дастлабки қадамлар қўйилди: чет эл инвестициялари ва ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида қонун қабул қилинди, Тошкентда ишбилармонларнинг учрашуви ўтказилди. Бироқ бу тадбирлар ҳозирча рамзий маънога эга. Иқтисодиётга валютанинг кучли таъсири бўлиши керак. Чет эл инвестициялари учун кўп укладли инфраструктура вужудга келтириш лозим, чунки хорижий фирмалар давлат секторига унча хушламайроқ маблағ киритадилар. Ҳаёт иқтисодиётни оқилона хусусийлаштиришни талаб этмоқда. Республикада очиқ иқтисодий зоналар барпо этиш ҳамда чет эл капиталини ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялаш қатъий заруратдир. Яна илгарилаб бориш, Ўзбекистон Республикасини эркин иқтисодий минтақа деб эълон қилиш мумкин. Ташқи сиёсат Ўзбекистоннинг иқтисодий қайта туғилиши манфаатларига хизмат қилиши лозим. Биз учун ҳарбий, сиёсий тенгликкина эмас, балки дунёнинг маданийлашган мамлакатлари билан ҳаёт сифатининг баробарлиги муҳим. Япония бунга мисол бўла олмайдими? Туб иқтисодий ислоҳотларни ўтказишга раҳбарликни мустақил иқтисодий комиссия амалга ошириши мумкин бўлур эди, бундай комиссия эса Ғарб ва Шарқнинг ривожланган мамлакатлари вакилларидан, республиканинг етакчи олимларидан таркиб топиши керак.

Ҳарбий соҳада эса Ўзбекистон ҳудудида ядро қуроли йўқлигини ҳисобга олиш зарур.

Қуролларнинг анча хавфли турларини — ядровий, кимёвий, бактериологик, ракета — тарқатмасликнинг халқаро ишончли тартибини жорий этиш мақсадида Ўзбекистон ўзини ядросиз минтақа ва блокларга қўшилмайдиган давлат сифатида конституция йўли билан эълон қилиши мумкин. Барча собиқ иттифоқдош республикалар Ж. Бушнинг яқин масофа ракеталарини тугатиш ҳақидаги ташаббусини қўллаб-қувватлашга даъват этса бўлади. Ўзбекистон Осиё қитъасида ҳарбий қарама-қарши туриш даражасини янада пасайтиришга эришиш мақсадида музокара жараёнларини фаоллик билан йўлга қўйиши, бундай музокаралар оддий қуролларни чеклаш ҳамда ҳарбий соҳада ишонч чораларини ишлаб чиқиш масаласига эътиборни қаратиши лозим.

Функционал устиворликнинг **сиёсий жиҳати** бир мунча кенг. Ўзбекистоннинг жуғрофий-стратегик ўрнидан келиб чиққан ҳолда мулоҳаза юритиш учун бир қанча асос-далиллар бор. Биринчидан, биз Осиё марказидамиз, бу ерда, афсуски, Европадагига ўхшаш коллектив хавфсизлик тизими йўқ. Иккинчидан, биз — ядросиз мамлакатмиз. Учинчидан, биз «беқарорлик ёйи»да турибмиз (Зб. Бжезинский таърифига ,кўра), яъни кескин можаролар (республикаларда миллатлараро, минтақада халқаро) зонасидамиз. Тўртинчидан, биз турмуш ва иқтисодий тараққиёт даражаси бўйича, қанчалик аламли бўлмасин, «учинчи дунё» деб аталадиган мамлакатлар тоифасига кирамиз.

Ана шундай шарт-шароит Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати олдига бирданига қатор вазифаларни қўяди:

— коллектив хавфсизликнинг Осиё — Тинч океани тузилмасини вужудга келтириш. Бу масалада Ўзбекистон ташаббускор бўлиши мумкин. Осиё тарихи тинчликсеварлик ғоялари ва инсонийлик анъаналарига жуда бой, «панча шила» (тинч-тотув яшашнинг беш принципи) анъаналари ҳамда янгича сиёсий фикрлашнинг асосий принципларини ўз ичига олган Деҳли декларацияси ана шу минтақада пайдо бўлгани бежиз эмас.

— Давлатлар ҳамкорлиги — БМТга асосланган хавфсизликнинг кенг кўламли тузилмасидан фойдаланиш. БМТ — универсал ташкилот, у ноёб тажрибага, иқтисодий, ҳарбий, сиёсий ва экологик муаммоларини ҳал этиш механизмига эга. Ўзбекистон БМТ аъзоси бўлди, бундан буён ана шу ташкилот ишида фаол қатнашмоғи (қатнашув механизми ҳақида қуйироқда фикр юритамиз) лозим. Тўғри, БМТда иштирок этиш учун катта пул керак (Украина ва Белоруссияни ҳам қўшганда СССРнинг бадали 1990 йилда 91,5 миллион долларни ташкил этди). Бироқ биз ўз иқтисодий аҳволимизга кўра БМТнинг ривожланиш дастуридан катта ёрдам олишимиз ҳам мумкин-да («буюк давлат» деган сийқаси чиққан манманлик мақоми Совет Иттифоқига ана шундай ёрдам олишга имкон бермасди). БМТга қўшган ҳар бир долларимиз бизга 10, ҳатто 100 доллар бўлиб қайтиши мумкин ва зарур.

— Республиканинг етилган экологик ва тиббий муаммоларини ҳал этиш. «Орол ҳақида» катта нутқлар сўзлаш ва кўз ёшлари тўкиш», оналик ва болаликни ўз ҳолига ташлаб қўйиш, ҳаво ва сувни булғаш етар энди. Пул сарфлаш, саъй-ҳаракатлар кўрсатиш пайти келди. Пул билан эса БМТ, ЮНЕСКО, ЮНИДО, ПРООН, ВОЗ ҳамда бошқа халқаро механизмлар таъминлашлари мумкин. Ундан Ўзбекистон эҳтиёжлари учун оқилона фойдаланиш керак.

— Ўзбекистоннинг жўғрофий-стратегик жойлашуви **можароли вазиятларга** нисбатан ўзининг илмий асосланган сиёсатини ишлаб чиқишни қатъиян ўртага қўймоқда. Бизнинг дипломатиямиз Афғонистон олдида маънавий «айбдор» бўлмагани учун ҳам афғон муаммосини узил-кесил ҳал этишда фаол роль ўйнай олади.

Маълумки, агар амалга оширишнинг таъсирчан механизмлари ишга туширилмаса, ҳатто энг яхши декларациялар ва қонунлар ҳам ўлик чақалоқдек бўлиб қолаверади. Шунинг учун ҳам чегарадош давлатлар ва республикаларнинг коллектив хавфсизлик тизими можароларни башорат қилиш, олдини олиш ва бартараф этишнинг баъзи инфраструктурасига таяниш лозим.

Ўзбекистон Сиёсатдонлар уюшмаси ана шундай инфраструктура концепциясини ишлаб чиқишга киришди. Неча ўн йиллардан буён қон тўкилаяпти. Кўпдан-кўп минтақавий муаммолар, айтайлик курдлар, фаластинликлар, Тамил, Қорабоғ муаммолари ечилмаётганлиги халқаро ҳуқуқ ва халқаро сиёсий муассасалар ҳали такомиллашмаганини кўрсатиб турибди.

— Кейинги муҳим вазифа Ўзбекистонда демократик жараённи янада ривожлантириш, ички тажрибани ривожланган демократик мамлакатлардаги давлатнинг халқаро мажбуриятларига, ҳуқуқлар ва эркинликларнинг стандартларига тўла мувофиқлаштиришдан иборат. Шу маънода СБСЕ жараёнининг инсон ўлчовлари бўйича Москва конференцияси қарорлари атрофлича фикр-мулоҳаза юритиш учун етарли озиқ беради. Халқаро муносабатларда давлатнинг «мавқе» омилини, яъни халқаро ҳамжамиятда унинг ҳақидаги тасаввурни ҳамиша ҳисобга олиш зарур. Пиночет Чилиси ва Жанубий Африка Республикаси мисоли, жаҳон ҳамжамиятининг уларга қарши муносабати буни яққол исботлаб турибди. Ўзбекистон — жаҳон ҳамжамиятининг ёш аъзоси, у вояга етгунча ўзи ҳақидаги яхши фикрни сақлаб қолиши керак, аммо марказий оммавий ахборот воситалари унинг обрўсини тўкишда анча-мунча иш қилишга улгурдилар. Бинобарин, АҚШнинг янги давлатларга (собиқ иттифоқчи республикаларга) муносабатини белгилаб берадиган «Ж. Бейкернинг беш принципи» асосий ғояси ички ҳуқуқлар нормаларини халқаро-ҳуқуқий стандартларга мувофиқлаштиришни кўзда тутади.

Ҳудудий устиворликларга мурожаат этайлик. Собиқ иттифоқдош республикаларнинг тарихий бирлиги, иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан ўзаро қарамлиги ҳамда маълум маънода ўхшашлигини ҳисобга олган ҳолда улар билан муносабатлар Ўзбекистон манфаатларида олдинги ўринда туриши керак.

Аввалги иттифоқдош республикаларнинг янги давлат мақоми қандай бўлишидан қатъий назар, уларнинг барчаси бир-бирига қўшни бўлиб қолаверади, ўзаро сон-саноқсиз инсоний ришталар билан боғланганки, коллектив хавфсизликнинг умумий тизимисиз яшашлари мушкул.

Мен ана шундай тизимнинг иккита асосий фаолият йўналиши бор, деб ўйлайман. Биринчиси — Европа-Осиё минтақасида халқларнинг биргаликда яшашининг умумий принципларини жамоа бўлиб ишлаб чиқишдан иборат. Айниқса ўтиш даврида бу жуда муҳим. Иккинчиси — ана шу принципларни амалга ошириш имконини берадиган ташкилий механизмларни вужудга келтириш.

МДҲга кирган давлатлар билан ўзаро муносабатларда бизнинг нуқтаи назаримиз аниқ ва принципиалдир:

— биринчиси: мустақил давлатларнинг тенг ҳуқуқли асосдаги сиёсий ва иқтисодий ҳамкорлиги бўлиши лозим. Мавжуд чегаралар бузилмаслиги эътироф этилиши керак. Ҳар қандай масалалар келишув йўли билан ечилиши зарур.

— иккинчиси: ҳозирги ўзаро боғлиқ дунёда стратегик қуролли кучларга ягона раҳбарлик битта қўлда бўлгани маъқул. Биз уларни Россияга топширдик. МДҲнинг барча аъзолари ядровий қуролсизланиш жараёнига, халқаро жамоавий хавфсизлик тизимига тортилиши лозим.

— учинчиси: биз давлатларнинг янги тузилган армияларини НАТОга ўхшаш ягона раҳбар қўли остида бирлаштириш тарафдоримиз.

Иккинчи қатор — бизнинг яқин қўшниларимиз: Туркия, Афғонистон, Ҳиндистон, Хитой, Покистон, Эрон.

Учинчи қатор — Европа ва Америкадаги иқтисодий жиҳатдан бақувват мамлакатлар.

Тўртинчи қатор — «Учинчи дунё» мамлакатлари.

Бу қаторларнинг ҳаммаси нисбатан олинган, албатта. Бироқ бизнинг иқтисодий манфаатларимиз сиёсий устиворликларни ҳам тақозо этади.

Энди бошқа муаммо — Ўзбекистон ташқи сиёсатининг **ҳуқуқий негизи** ҳақида гаплашайлик. БМТнинг Бош Ассамблеяси 1990—1999 йилларни халқаро ҳуқуқ ўн йиллиги деб эълон қилди. Шу муносабат билан ишлаб чиқилаётган дастур инсониятнинг ҳуқуқий жамият, умуминсоний ва миллий манфаатларни уйғунлаштиришнинг ҳар томонлама воситаси бўлган ҳуқуқ сари ҳаракат қилиши жараёнини тезлаштиради.

Ўзбекистоннинг давлат органлари ва унинг чет эллардаги муассасалари фаолияти халқаро-ҳуқуқий соҳада қуйидаги йўналишларга қаратилиши мумкин:

— халқаро муносабатларда ҳуқуқ устунлигини қарор топтириш;

— халқаро ҳуқуқ нормаларининг давлатнинг ички ҳуқуқидан устунлиги принципини амалда таъминлаш;

— Ўзбекистоннинг бошқа давлатлар билан икки томонлама муносабатларининг ҳуқуқий негизини вужудга келтириш;

— янги халқаро ҳужжатларни ишлаб чиқишда қатнашиш.

Амалий жиҳатдан олганда барча халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлилий тафтишдан ўтказиш ҳамда Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига мос келадиганларини ратификация қилиш зарур. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Халқаро ишлар комитетида «Ўзбекистон Республикаси халқаро фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси бор. Комитет мазкур қонуннинг, шунингдек республикамиз дипломатиясининг келажакдаги фаолиятини изга солиб турадиган яна кўплаб қонунлар мажмуининг тезроқ қабул қилинишига эришсин, деймиз. 1961 йилги дипломатик муносабатлар тўғрисидаги Вена конвенцияси ратификация қилинганидан кейин Ўзбекистоннинг дипломатия устави тасдиқланиши зарур. Унда фаолият мақоми, дипломатларга даража ва тоифа бериш белгилаб қўйилиши — керак.

Энди Ўзбекистоннинг **ташқи сиёсий фаолияти механизми ҳақида.** Республикаларнинг ташқи ишлар вазирликлари маҳкамалари 200—300 кишига етказилиши лозим (масалан, РСФСРда 500 киши бўлади). Хориждаги муассасаларни (элчихоналар ва маслаҳатхоналарни) 15 тага етказиш шарт эмас. Битта элчихонада барча республикаларнинг вакиллари жойлашишлари мумкин. Жаҳон амалиётида ҳамда Вена конвенциясида дипломатик ваколатхоналарнинг иш доираларини кумуляциялаш (бирга қўшиб олиб бориш) принципи белгилаб қўйилган. Масалан, Бирмадаги Ўзбекистон элчиси ўриндошлик йўли билан Қирғизистон, Туркманистон ва Тожикистоннинг манфаатларини ҳам ҳимоя қилса бўлади. Индонезияда эса Қирғизистон вакили бизнинг манфаатларимизни ёқлаши мумкин.

Энди халқаро ташкилотларда (масалан БМТда) вакиллик тўғрисида фикр юритайлик. Бош Ассамблеяда барча республикалар мустақил давлат сифатида қатнашадилар. Хавфсизлик Кенгашида Россия овозга эга бўлади.

Ҳозирги шароитда ташқи сиёсатни муваффақиятли юритишнинг энг асосий шартларидан бири танланган йўлни **илмий жиҳатдан таъминлашдир.**

«Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида»ги қонунни амалга ошириш давлатимизнинг, Президентнинг **мустақил, беқарам** ички ва ташқи сиёсатини олиб боришнинг илмий асосларини ишлаб чиқишни қатъиян талаб этмоқда. Илгари СССР Президенти сиёсатига хизмат қилган (академик муассасалар, Марказий Комитет, Ташқи ишлар вазирлиги) марказий сиёсий-академик комплекс тарқалиб кетади.

Ички ва ташқи сиёсий муаммоларнинг мураккаблашуви (ҳақиқий иқтисодий ва сиёсий мустақилликка эришиш, жўғрофий-стратегик ташқи сиёсатни белгилаш, ички ислоҳотларни мафкуравий ва сиёсий жиҳатдан таъминлаш) ҳамда ана шу жараён билан боғлиқ Президент қарорларининг қабул қилиниши республиканинг ички ва ташқи мустақил сиёсий йўлини амалга оширишнинг янги, бир қадар самарали усуллари ва воситаларини топиш ниятида Ўзбекистон стратегик тадқиқотлар марказини барпо этиш заруратини келтириб чиқаради.

Илмий жиҳатдан асосланган ва аниқ мақсадга йўналтирилган сиёсат ички ҳамда ташқи вазиятни баҳолашни, режалаштириш ва прогнозлаштиришни тақозо этади.

Ғарбдаги етакчи мамлакатларда ана шундай комплекс илмий-сиёсий ишлар билан «мия трестлари» ёки «фикрлар фабрикалари» шуғулланишади, улар давлатларнинг сиёсий тузумлари барча тузилмалари раҳбарлари ҳузурида ташкил этилган.

Марказнинг мақсад ва вазифалари қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:..

— ҳокимият органлари ва бошқаруви қарорларини **илмий жиҳатдан асослаш,** экспертиза қилиш ва тайёрлаш;

— принципиал жиҳатдан бутунлай янги таҳлилий **методика** яратиш, у «ўйинлар назарияси», тизимли таҳлил этиш, «муқобил андозалар» ҳамда Ғарб мамлакатларида қўлланиладиган бошқа усуллардан фойдаланиш ҳамда жаҳон тажрибаси асосида қарорлар қабул қилиш жараёнини такомиллаштиришга имкон беради;

— ички ва ташқи сиёсий, халқаро ҳамда иқтисодий фаолият юритадиган мутахассис сиёсатдонлар тайёрлаш (Москва давлат халқаро муносабатлар институти тизими бўйича);

— юқори малакали илмий ва амалий кадрлар — сиёсатдонлар, социологлар, журналистлар ва иқтисодчилар (менежер ва маркетингшунослар);

— ҳокимият органлари ва бошқаруви қабул қилган қарорларга аҳолининг муносабатини аниқлаш юзасидан жамоат фикрини ўрганиш — социологик сўроқлар ўтказиш;

— республикада ички сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларнинг аниқ дастурларини тузиб чиқиш;

— энг янги усуллардан фойдаланган ҳолда халқаро, минтақалараро, миллатлараро ва бошқа можароларни ҳал этиш йўлини топиш;

— сайловлар, митинглар, референдумлар ва ҳоказолар ўтказилаётганда сиёсий кампаниялар технологиясини ишлаб чиқиш;

— республика, минтақа, дунёдаги сиёсий ва иқтисодий вазиятнинг ривожланишини баҳолаш, режалаштириш ва прогноз қилиш.

Ўзбекистон мустақил давлат деб эълон қилинганлиги тарихий кўлам касб этадиган воқеа бўлди. Шундай экан, истиқлолга республикамизда ҳам, жаҳон ҳамжамиятида ҳам тўла масъулият билан муносабатда бўлиш лозим.

ЯНГИЛИКЛАР

ДОНОРЛАР КЎПАЙМОҚДА

БИРОР аъзоси оғриб турган одамнинг кўзига кенг жаҳон тор, ёруғ дунё қоронғу бўлиб кўринади. Бозор иқтисодиётига ўтилиши билан унинг илк зарбасига беморлар рўбарў бўлишди. Илгари гемотология ва қон қуйиш илмий тадқиқот институтида донорларга тўланаётган ҳақ икки томонга ҳам мақбул эди. Қадам ранжида қилувчи донорлар энди 50 фоиз камайди. Натижада қондан дори тайёрлаш ҳам сусайди. Азобини қон суюқлиги зарур бўлган беморлар торта бошладилар. Дори сўраб мурожаат қилувчилар кўпайиб кетди. Яқинда илмгоҳ маъмурияти хайрли ишга қўл урди. Донорларга тўлов оширилди. Сервитамин овқатлар билан таъминлаш кучайтирилди. Бу тадбир самара берди. Донорлар кўпайиб қолишди.

КОРХОНАДА КОРХОНА

ЭНДИ нарпайлик боғбону соҳибкорлар етиштирилган ҳосил нобуд бўлишидан ташвишланмасалар керак. Оқтош шаҳрида ишга туширилган консерва заводи бунга кафолат беради. У 12 миллион шартли банка консерва ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Шуниси ибратлики, корхона ўзининг кичик корхонаси билан дунёга келди. Унда турли қандолат маҳсулотлари, ичимли сувлар ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда. Корхонада тайёрланадиган маҳсулот ширинлик анқони уруғи бўлган шу кунларда нарпайликлар дастурхонига файз киритса ажаб эмас.

ВАЗИРЛАР ...ЎҚИШМОҚДА

НУКУС бизнес мактабини биринчи марта тугатган кишиларга ташқи иқтисодий фаолият мутахассиси малакаси берилди. Қорақалпоғистон вазирликлари ва идораларининг, йирик корхоналари ва ташкилотларининг раҳбарлари, бош мутахассислари ана шундай малака эгаси бўлдилар.

Нукус политехника коллежи синфларида машғулотлар ўтказилди. Икки ҳафта мудатга мўлжалланган семинар дастурига кўра ишбилармонлик ва ташқи иқтисодий фаолият асослари ўқитилди.

Мактабни ташкил этган кишиларга москвалиқлардан ташқари тошкентлик молиячилар, бу ердаги бозор иқтисодиёти илмгоҳининг мутахассислари ҳам ёрдам беришмоқда.

— Дарслар вақтида тижоратнинг моҳияти хусусида тасаввур олиш мумкин, — дейди бу ерда шартнома асосида дарс ўтаётган Москва халқаро муносабатлар илмгоҳининг доценти И. Соколова. — Биз маркетинг ҳақида шунчаки тушунча беришнигина эмас, унинг асосий жиҳатлари ҳамда вазифаларини тушунтиришни ҳам ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз.

СУРАТЛАРДА: даста иштирокчилари (ўнгда) ва уларнинг мураббиялари.

Р. АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

ОНА ВА БОЛА— ГУЛ ИЛА ЛОЛА

БАҲОР — табиатни яшнатувчи, инсонни эзгу ниятлару яратувчилик иштиёқига элтувчи фасл. Ҳар кунимиз бутун бир тарихга тенг айни паллада халқимиз мисли кўрилмаган баҳорий уйғонишни бошидан кечирмоқда. Толдан ясалган ҳассасига суяниб қуёшнинг ботишини маъюс кузатаётган нуроний отахондан тортиб мустақилликка эришган юртда куни кеча дунёга келган чақалоққача унинг эпкинларидан баҳраманд бўлишмоқда. Энг муҳими — одамларимизнинг кўзлари ўтмишни кўра бошлади, уларнинг мудроқ қалбларига боқий маънавият шабадалари шижоат солмоқда. Ота-оналар ҳурматини, бобо-бувилар руҳини эса улар тўқиган ва юракдан-юракка, дилдан тилга ўтиб келаётган қўшиқлар ёрдамида ўрнига қўйиб шодмон этишни ўрганаяпмиз. Тошкент шаҳридаги 83-мактабда ташкил этилган болалар этнографик дастаси қатнашчилари ҳам ажодларимиздан қолган ана шу қўшиқлару рақсларни эъзозлаётганликлари айниқса қувончли ҳолдир. Улар Халқаро хотин-қизлар байрами — 8 мартга атаб «Она ва бола — гул билан лола» концерт дастури тайёрлашди.

«БОДОМ ГУЛИ» КЎРИК-ТАНЛОВИГА МАРҲАБО!

ШОШИЛИНЧНОМА

«ХАЛҚ СЎЗИ» рўзномаси бош муҳаррири Аҳмаджон Мухторовга! Навоий кимёвий толаларни қайта ишлаш фабрикаси «БОДОМ ГУЛИ» кўрик-танловига ҳомийлик қилиш учун 5000 (беш минг) сўм маблағ ажратди.

Фабрика директори ҚУВОНДИҚОВ

Бош ҳисобчи ПИРНАЗАРОВ.

Саид АҲМАД

ҲИНДЧА ҚЎШИҚ

Ит кимга дўст —
Эгасига дўст.
Халқ ибораси.

Қосимжон машинани гаражга киритиб, дарвозанинг уч жойидан қулфлаб калит ўйнаб келаркан, учинчи подъезд олдида болаларнинг чиройли бир итни силашаётганини кўрди. Ит хуш ёққанидан ҳузур қилиб, кўзларини юмиб олган. Ўриндиқда ўтирган шоп мўйловли, лўлига ўхшаган давангирдек йигит дастрўмол билан кўзларини артиб йиғларди. У анча вақтдан бери йиғлаётган бўлса керак, қовоқлари қизарган, дастрўмоли жиққа хўл эди.

— Бу кимнинг ити? — деди Қосимжон.
Болалар йиғлаб ўтирган кишини кўрсатишди. Қосимжон бу лўли бечоранинг бошига мусибат тушганга ўхшайди, деб ёнига бориб ўтирди.
— Нима бўлди, дўстим? — деди меҳрибончилик қилиб.
Лўли жавоб бермади. Қосимжон ҳадеб сурайверганидан кейин ҳиқиллаб-ҳиқиллаб тилга кирди.
— Э, ака, менинг бошимга тушган мусибат ҳеч бир бандаи мўминнинг бошига тушмасин. Бу дунёда мен якках ягонаман. Бизнинг Молдавияга немис фашистлари яқин қолганда мен тўрт ёшли бола эканман. Катталар партизонликка кетишибди. Биз бечораларни буёққа эвакуация қилишган. На отамни биламан, на онамни. Детдомда менга Фармон деб от қўйишган экан. Шунча йиллар ўтди. Мен ўзимни лўли деб юрган эдим. Бу дунёда менинг бор-йўқлигимни суриштирадиган одам бўлмаган. Яқинда мени Ташқи ишлар вазирлигига чақириб, ота-онам борлигини, улар Руминияда яшаётганликларини, асли отим Алеко эканини айтишди. Руминиядан менга виза келди. Индинга Москва орқали Бухарестга учаман. Бу хушхабардан бошим осмонга етди. Ота-она дийдорига зор эдим.

— Итингизни ҳам олиб кетмоқчимисиз? — деди Қосимжон.

— Йўқ, ако, сиз ўрис шоири Тургеневнинг «Му-му» деган шеърини ўқиганмисиз? Ўшанда бир соқов ўрис итини сувга чўктиради. Мен буни сувга чўктиролмайман. Бу менинг энг яқин дўстим. Ит бўлса ҳам одамнинг гапини тушунади. Иш буюрсам югуриб бориб, бажариб келади. Ишонмайсизми, мана кўринг.
— Геббелс, — деди у итга қараб. — Ит ўгирилди. — Чекким келди, дўстим.

Геббелс болалар қуршовидан чиқиб Фармоннинг олдига келди. Фармон икки бармоғини лабига босиб худди папирос чекиб тутунини пуфлаётган ишорасини қилди. Ит тушунди. Тротуар бўйлаб ер ҳидлаб кетаверди. Нариги подъезд олдида тўхтади. Ерда ётган чала чекилган сигарета қолдиғини беозор тишлаб, орқасига қайтди. Фармон унинг бошини, бўйнини силаб сигаретани олди. Гугурт чақиб тутатди.

Ҳамма ҳайрон. Бу ит чинакамига гапга тушунар экан. Фармон унга ёт, дамингни ол, деди. Геббелс қорнини ерга бериб, узатилган икки қўли устига иягини қўйиб кўзларини юмди.

Болалардан бири ундан сўради:
— У қанақа тилга тушунади? Ўзбекчаниям биладими?
— Кўп тилларга тушунади. Ўрисчагаям, испанчагаям тушунади.
Геббелс ит эмас, бало экан.
— Нима қилмоқчисиз? Ё сотасизми?
Фармон бош чайқади.
— Геббелсни у ёққа олиб кетиб бўлмайди. Минг хил испарапка керак. Сотишга кўзим қиймайди. Жигаримдек бўлиб қолган. Итнинг қадрига етадиган одам топилса текинга бериб кетардим.

Фармон қидираётган одам шу топда унинг ёнида ўтирган эди.
— Мен олай, — деди Қосимжон. — Кўпдан шунақа итни орзу қилиб юрган эдим.
Иккинчи қаватнинг айвонида панжарага бағрини бериб турган ёшгина жувон гапга аралашди.
— Агар шу итни оладиган бўлсангиз, гаражда боқасиз. Уйга киритмайман, — деди.
У Қосимжоннинг хотини Анзират эди. Зум ўтмай пастга тушиб, эрини четга тортди.

— Ўйлаб қарасам битта ит керак экан. Ўн еттинчида Ҳасан билан Ҳусанларнинг туғилган куни. Мактаб-интернатдан келишганда шу итни совға қиламиз. Лўли пул олмайман, деяпти, ундоқ бўлса уйга опкиринг, овқат тайёр. Иссиққина еб олсин.
Қосимжон уни қуярда-қўймай уйга олиб кирди. Геббелс ҳам унга эргашиб уйга кирди. Қосимжон кириши билан боятдан бери кўтариб юрган бир даста калитни телефон столчасига ташлади.

Қосимжон меҳмонни ўтиришга таклиф қилиб, ўзи ечингани ичкари хонага кирар экан, лўлилар жуда шайтон бўларди, бу жуда лаллайгани экан. Етимлик, мусофирлик бечорани шу кўйга солган бўлиши керак, деб ўйлади.

Чиндан ҳам у жуда уятчанг, бировнинг бетига тик қарамайдиган андишаликкина лўли экан. Хижолатдан бошини кўтармайди. Дастурхон попугини ҳимариб, жимгина ўтирибди. Анзират булғор қалампирига қийма тиқиб димлаган экан, бир лаган қилиб ўртага қўйди. У қиймага гўшт шилганда тўрт-бешта суякни елим халтага солиб қўйган эди. Иккитасини чети учган тарелкага қўйиб олиб чиқди. Геббелснинг тумшуғи олдига қўйди. Ит қарамади. Фармон, еявер, Геббелс, дегандан кейин битта суякни оёқлари орасига олиб ғажий бошлади.

— Жиндек-жиндек қиламизми? — деди Қосимжон.
— Умримда оғзимга олмаганман, — деди у ердан кўзини узмай.
Овқатдан кейин чой ичишди. Фармон жавон олдига келиб китобларни кўра бошлади.
— Китобни яхши кўрар экансиз, — деди Қосимжон.
— Китобнинг садағаси кетсанг арзийди, — дея жаҳон адабиётининг икки юз томлигига ҳавас билан боқди. — Китоб инсонга устоз. Уни ўқиган одамдан ёмонлик чиқмайди.
Фармон кетар олдида Геббелсни бағрига босиб, бўйинларини силади. Тумшуғидан ўпди.

— Сен энди шу ерда қоласан, Геббелсгинам. Энди бир умр кўришмаймиз.
Унинг кўзида ёш кўрган Геббелс оёқларига суйкалди. Сакраб елкаларига осилди. Фармон ундан кўз ёшларини яширмоқчи бўлардию эплолмасди. Охири, жаҳд билан эшикни очдию шарт чиқиб кетди.

Айрилиқ ёмон нарса. Ҳеч бандаи мўминни айрилиқ кўйига дучор қилмасин. Бир умр кўз олдида туриб қолади.
Анзират яхши оилада тарбия кўрган аёл эди. У эркак зотига тик қарамасди. Жонли-жонсиз нарсаларнинг ҳаммасини сизларди. «Дўконга гўшт кептилар», «Қор ёғаяптилар», «Электр ўчдилар» дерди.
Эр-хотин ичкаридан эски бир одеял опчиқиб, тўрт буклаб, айвоннинг бурчагига жой қилишди. Қолган овқатларни эски пачақ алюмин товоқчада олиб чиқишди. Худди азиз меҳмонга, жой тайёр, ётасизми, дегандек итни айвонга таклиф қилишди. Ит худди илгарилари ҳам шу жойда ётиб юргандек, тўппа-тўғри бориб, одеялга қорнини бериб, ётиб олди.

Эр-хотин телевизор кўришди. Алламаҳал бўлганда Анзират итдан хабар олгани чиқиб, қайтиб кириб кетди. Ичкаридан, ит ётибдилар, дегани қулоққа чалинди. Чироқ ўчди. Бирон соат вақт ўтмай йўғон-ингичка хуррак товушлари келди...

Кўчадан эл оёғи узилди. Ҳаммаёқ жимжит бўлиб қолди.
Пастда маст бир одам ҳиндча қўшиқ хиргойи қиларди.

Овараху...
Овараху...

Геббелс ўрнидан туриб панжарадан пастга қаради. Фармон унга қараб қўнғироқ

чалаётгандек қилиб, қўлидаги калитларни шилдиратиб кўрсатди. Геббелс тушунди. Ичкарига кириб телефон стулчаси устидаги калитларни эҳтиёт қилиб, овозини чиқазмай олиб чиқди-да, пастга ташлади. Фармон илиб олди. Тахминан ярим соатча вақт ўтиб бояги ҳиндча қўшиқ эшитилди.

Овараху...
Овараху...

Геббелс яна пастга қаради. Фармон бояги шода калитни отди. Геббелс оғзида илиб олди-да, аста юриб телефон олдига қўйди. Ана шундан кейин у хотиржам бўлиб ўрнига ётди.

Эрталаб Қосимжон Геббелсдан хабар олди. Ит бош кўтариб унга қаради. Ичида, ҳа, жонивор, ухламабсан-а, деб қўйди.

Шундан кейин у тошойнага қараб соқолини олди. Сочларини таради.
Ишга кетаётганида хотинининг лабидан ўпиб, Геббелсга қўл силтаб чиқиб кетди.
Орадан беш дақиқалар чамаси ўтиб-ўтмай ҳовлиқиб уйга кирди.
— Анзират, Анзират!
Унинг овози жуда ҳунук эди. Хотини қўрқиб кетди.
— Сизга нима бўлди?
— Мошина, мошина, — деди у энтикиб. — Бизни худо урипти, хотин. Мошина йўқ. Ўғри опкетибди.
— Вой, нега йўқ бўлар экан? Дурустроқ қарадингизми? Кеча нима дегандим. Ит гаражда ётсинлар, демаганмидим... Яхшилаб қулфлаган эдингизми?
— Бир эмас, учта қулф урган эдим. Энди нима қиламан?
— Қулф жойида туриптиларми?
— Кўп жоврайвермагин. Қандоқ қулфлаган бўлсам, ўшандоқ турипти. Мошина учиб кетмагандир... Мелисани телефони қанақа эди?
— Мен қаёқдан билай? Мелисага ишим тушмаган бўлса. Китобчаларимни қарайми?
У шундай деб телефон ёнида ётган абонент китобчасини очиб варақлайди.
— 02 эканлар.
Қосимжон энсаси қотиб мелисага телефон қилди. Унвонини айтди. Қанақа мошинлигини айтди. Номерини айтди. Улар ҳозир борамиз, дейишди.
Гўёки мелиса гаражга ундан олдин етиб келадигандек ҳовлиқиб чиқиб кетди. Бари бир салкам икки соатдан кейин етиб келишди. Гаражга аввал мелиса итини киритишди. Ит дарров қайтиб чиқди. Капитан гараж ичига кириб, ит ҳид ололмайди, ерга бензин тўкиб кетибди, ярамас, деди. ГАИ ходими қулфларни текшириб кўрди. Биттаси жуда антиқа қулф экан, ҳайрон қолди.
Қосимжон бу қулфни Сочида бир матросдан сотиб олганини айтди. Мамлакатимизда бошқа бунақа қулф йўқ.
Анзират ҳам гапга аралашди.
— Бунақа қулф биттайдилар. Калитлари ҳам битталар.

— Барака топгур, синглим, бир пас жоврамай туринг. Миям ачиб кетди, — деди мелиса майори.

У шундай деб Қосимжондан мошиннинг ранги қанақалигини, давлат номери нечалигини, бирон жойи қирилганми, пачоқ бўлганми, умуман бирон ерида белгиси бормиди, деб сўради. Қосимжоннинг жавобларини дафтарига ёзиб олди.

— Энди бундай қиламиз, манаву уччала қулфни олиб кетиб, экспертизадан ўтқазамиз. Уч кундан кейин мелисага бориб учрайсиз, — деди майор мошин томон юраркан.
Енбошида қизил жияги бор мошин жўнаб кетди. Қосимжон гараж дарвозасидаги учта илгакни сим билан боғлаб афсус-надоматлар билан уйга қайтди.
Оёқ товушини эшитган Геббелс эшик томон ҳура бошлади. Эшик қулфида калит тиқирлаганида безовталаниб акиллади. Эшик очилди. Геббелс думини ликиллатиб Қосимжоннинг туфлиларини ялади, Анзиратнинг атрофида гир-гир айланди. Қосимжон унинг бўйинларини маъюс силади.

Қосимжон кеча хотинининг гапига кириб итни гаражга киритиб қўйганда бунчалик кўргиликлар бўлмасди. Айб ўзида бўлганидан Қосимжон хотинининг кўзига қарайолмасди. Нима бўлди? Ял-янги, ҳали пломбаси ҳам олинмаган мошин эди. Уни яйрабгина минмаган ҳам. Дам олиш куни Ҳасан-Ҳусанларни мактаб-интернатдан опкелиб далаларга опчиқиб ўйнатмоқчи эди. Шунча пуллик нарса бир кечада йўқ бўлди, қўйди.

— Хотин,—деди у. —Ўзимиз билан ўзимиз овора бўлиб Геббелс бечорага овқат ҳам бермапмиз. Товоғига бир нима солиб қўй, таммади қилиб олсин.

— Ташвиш тортманг, итимиз овқат еганлар. Бир коса сутга нон бўктириб берганман.

— Бўлмасам мен бирров ишхонамга бориб келай. Сен уйда ўтиратур. Қолган-қутган нарсаларимизни ҳам ўғри шилиб кетмасин.
— Ҳой, шошманг. Менам ишга бориб келаман. Ташвиш қилманг. Уйда ит борлар.
— Тақинчоқларингни эҳтиёт қил. Кўр ҳассасини бир марта йўқотади. Маҳаллага ўғри оралапти. Тақинчоқларингни ҳам боплаб кетишмасин. Ўғри бир марта кирган уйига иккинчи қайтиб кирмайди, деган гапга ишонма. Ўғрида инсоф нима қилади.
Анзират тортмадан тилла билакузукларини, марваридларини, зирагу узукларини шошиб олди-да, стулга қўйди. Ҳаммаси жойида. У тақинчоқларини рўмолчага тугиб жавон устидаги самоварнинг ичига солиб қўйди. Энди бу нарсаларини одам тугул қуш ҳам тополмайди, деб қўйди.
Иккови ишга жўнаб кетишаркан, Қосимжон уларни кузатгани коридорга чиққан Геббелснинг бошини силади.
— Хўжайин, энди буёғи ўзингизга қолди. Ҳушёр бўласиз-да, — деди.
— Овқатингизни товоққа солиб қўйганман, — деди Анзират. —Бўкмасдан енг.
Ит ҳамма гапга тушунгандек бош эгиб тураверди. Ана шундан кейин эр-хотин жанозага кетаётгандек ғамгин бир алпозда чиқиб кетишди.
Орадан бир ярим соатча вақт ўтди. Геббелс айвонда ётибди. Унинг ўйчан кўзлари нима ишлар қилсам бўларкин, деган маънони англатарди, пастдан ҳиндча қўшиқ эшитилди:

Овараху...
Овараху...

Ит югура солиб бир сакраб жавон устига чиқди. Самовар ичига қўл тиқиб тугунчани олди. Тишлаб гилам тўшалган полга сакради. Кўчада Фармон уни кутиб турарди. Геббелс тугунчани отди, у илиб олди.

Бугун Қосимжоннинг бормаган жойи қолмади. Шаҳар мелисаси бошлиғига учрашди, прокурорга борди. Бир юрист ўртоғиникига бориб маслаҳат солди. Шаҳар ҳокимининг қабулхонасида икки соат ўтириб, киролмади. Ҳориб-чарчаб қайтиб келаётганда тоғаси учраб қолди.

Қосимжон мошин олаётганда тўрт минг сўм пули етмай шу тоғасидан қарз олган эди. Атайин қилгандек тоғаси қизини чиқазадиган бўлиб қопти. Пулини қистади. Қосимжоннинг ранги бўзга ўхшаб оқариб кетди. Хўп, хўп, эртага етказаман, деб хайрлашди.

Чарчаб, қорни очиб, уйга келса хотини овқат қилмапти. Ишхонасидаги буфетдан ўнта пирожки олиб келган экан, олдига қўйди.

— Геббелсга бердингми? —деб сўрдаи Анзиратдан.

— Тўрттасини еб олдилар, — деди у бир итга, бир эрига қараб.
Қосимжон тоғасининг пул қистаётганини хотинига қандоқ қилиб айтади! Айтса, албатта, уруғларингиз мунча пасткаш, дейиши аниқ. У лабларини қоғоз сочиқ билан артаркан, хотинига, ёнимга ўтир, деди.

— Менга қара, тоғам қизини чиқазадиган бўлиб қопти. Шунга...
Унинг гапи оғзида қолди. Анзират сакраб туриб кетди. Уёқдан буёққа юраркан, вой ўлай, вой ўлай, деб жоврарди.

— Менга қара, ҳовлиқма, одамнинг бошига бундан ҳам оғир мушкуллар тушиши мумкин. Бизга нима бўпти. Куч-қувватимиз бор, ишлаб топамиз. Сенга «Жигули» эканку, «Волга» олиб бераман. Уч фоизлик заёмимиз бор эди. Шуни опчиқ.
— Сотасизми? —деди хотини.

— Бошқа илож йўқ. Жами беш минг сўмлик заёмимиз бўлиши керак. Тўрт мингини бериб қарздан узиламиз. Ҳасан-Ҳусанлар туғилганда тоғам саккиз юз сўмлик гилам совға қилган эдилар. Ҳозир ўша гиламлар уч ярим минг сўмдан сотилаяпти. Биз ўша қолган минг сўмни тўёнага қайтарамиз.

— Икки қўлимизни бурнимизга тиқиб қолаверамизми? Хонавайрон бўлдик-ку.
— Ҳовлиқма, ўзингни бос! Ўлимдан бошқасининг чораси топилади. Ишқилиб ўлим бўлмасин. Қўшалоқ ўғлонларимиз омон бўлишсин. Опчиқ ўша заёмларни.
Хотини бир даста заёмни ўлик кўтаргандек мотамсаро юриб олиб чиқди. Қосимжон санаб, стул четига қўйди.
— Ютуқ-путуқ чиқмаганмиди? — деб сўради у ютуқ чиқмаганини билса ҳам эҳтиёт шартдан.

— Э, ўлсинлар, ўн бир йилдан бери бир тийин ҳам чиқмайдилар.

— Обориб телефон тагига бостириб қўй. Тонг отмай олиб боришим керак. Эрта азонда қўй бозорига бораман, деятган эди.
Анзират заёмларни газетага ўраб телефон тагига бостириб қўйди.

Иккови ниҳоятда чарчаган эди. Ётишдию ухлаб қолишди. Геббелс тиқ этса, бошини кўтариб, ниманидир кутиб ётарди. Ниҳоят тун ярмида пастдан ҳиндча қўшиқ эшитилди:

Овараху...
Овараху...

Геббелс ўрнидан туриб телефон томонга қараб юрди...
Қосимжон билан Анзиратнинг эрталабки аҳволини тасвирлайдиган машинкамнинг ҳарфлари синиб кетса бўлмайдими! Бу воқеа ёзилган қоғозларим ёниб кетса бўлмайдими!
Анзиратнинг «Геббелсгинам, заёмлардан ҳам айрилиб қолдик», деб йиғлаётганини қандоқ тасвирлаш мумкин? Бу сатрларни ўқиётган китобхоннинг юраги бардош берармикан?
Қистаманг, қистаманг, азиз ўқувчим! Бу ёғи нима бўлди, деб сўраманг. Қўлимни кесиб ташласангиз ҳам, қаламимни синдириб ташласангиз ҳам ёзолмайман.
Бу манзарани ҳатто Фирдавсий ҳам, Навоий билан Толстой ҳам тасвирлаёлмайди.
Қистаманг. Мен бир ожиз ёзувчингизман, холос.
Абдулла Қодирий тирилиб келсаю шу ҳикоямни ўқиса ё пешонамдан ўпади, ё орқамга бир тепади.

ЭШИТМАДИМ ДЕМАНГЛАР !

ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТ ЖАМҒАРМАСИ БИНОСИДА ТУРК ТИЛИ ВА ЛОТИН ЁЗУВИНИ ЎРГАНИШ КУРСИ ОЧИЛДИ

Ўқиш муддати — бир ой.
Ўқиш пуллидир. Бир ойда 400 сўм пул тўланади ёки ўтказилади.
Аризалар ҳар ойнинг 15-кунигача қабул этилади. Дарсни турк олимлари олиб боришади.

ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТ ЖАМҒАРМАСИ ИШБИЛАРМОНЛАР БИЛИМ ЮРТИНИ ОЧДИ

Билим юрти:
а) БРОКЕР
б) МЕНЕЖЕР
в) МАРКЕТИНГ
каби мутахассислар тайёрлайди.
Ўқишни олимлар ва юқори малакали мутахассислар олиб борадилар.
Билим юртида ўқиш учун ўрта маълумотли ишбилармон кишилар қабул қилинадилар. Ўқиш муддати — бир ой. Аризалар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни қабул қилинади.
Ўқиш пулли. Бир ойга икки ярим минг (2500) сўм пул тўланади ва ўтказилади.
Ўқиш гуруҳлар тўлгандан сўнг бошланади.

ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТ ЖАМҒАРМАСИ БИНОСИДА

Япон тили ва алифбосини ўргатиш бўйича фақат 2 ойлик ўқув курси очилди. Ўқишни япониялик ўқитувчи, ўзбекча сўзлаша оладиган ХИРОШИ ОҚАВА олиб боради. Машғулотларга имкони бўлган барча фуқаролар таклиф этиладилар.
Ўқув нархи — 1000 (минг) сўм. Дарслар 15 мартдан бошланади.
МАНЗИЛИМИЗ: **700000, Тошкент шаҳри, Маяковский кўчаси, 6-уй. Метронинг Ҳ. Олимжон номли бекати. 4, 5, 17, 18 — троллейбуслар қатнайди.**
Телефон: **33-04-28.**
Ўзбекистон Маданият жамғармаси.
Тошкент шаҳри, Киров деҳқончилик-саноат банки, ҳисоб-китоб рақами: 000702101.
МФО 172682304 ҚСБ 300166004.

Тошкент агрегат заводи ташкилотлар, корхоналар ва алоҳида шахсларга Т-28Х4 трактори, пахта териш машинасининг турли нусхадаги редукторлари ҳамда қўшимча ускуналарининг эҳтиёт қисмларини ўзаро манфаатли келишувлар тарзида таклиф этади.
Манзилимиз: **Тошкент шаҳри, Уста Ширин кўчаси, 117.**
Телефонлар: **48-03-61, 48-69-25.**

Ё, тавба!

Ўлайинми, куйайинми?..

Ўтган йили рўзномамиз бош муҳарриринниг ўринбосари Абдукарим Раҳимбердиев Москвада хизмат сафарида бўлиб, собиқ пойтахтимизда беҳаё рўзнома ва ойномалар чоп этилаётганини нафрату ҳайрат билан ёзганди .

У бекорга куюнмаган экан. Бу ҳол ўзимизда ҳам юз берди. Шу йил халқ депутатлари Навоий шаҳар совети муассислик қилаётган «Знамя дружбы» рўзномаси ўзининг 4 февраль сонида 17 ёшли Альбина, 18 ёшли Лена ва бошқаларнинг шаҳвоний ҳирсга муносабатини босиб чиқарди. Рўзноманинг «Фоҳишабозликка муносабатинг қандай?» деган саволига Альбина «Навоийда кичкина фоҳишахона (яъни унинг тилида «публичный дом») очилса, ёмон бўлмасди», деб жавоб қайтаради. 18 ёшли Ленанинг жавоби янада интимроқ. У «Секс — мен учун ҳаёт мазмуни» деган. Қолган жавобларни келтириб сизнинг нафратингизни қўзғатмоқчи эмасман. Шундоқ ҳам мен ушбу сатрларни минг истиҳола билан ёздим. Мабодо ушбу мақолам босилиб чиқса, хорижлик мусулмон дунёси нима дейди? Улуғ шоиримиз номи билан юритилаётган шаҳарда нималар бўлаяпти ўзи, деб бизни уялтиришмайдими?

Энди ўзингиз ўйлаб кўринг. Шусиз ҳам юртимизда етим болалару ёлғиз оналар кун сайин кўпайиб бораяптику. Қолаверса, СПИДнинг аср вабосига айланганини бутун дунё эътироф этмоқда. Балки Альбина, Ленахонимлар буни билишмас, аммо шаҳар рўзномаси ходимлари-чи?

Маҳмуд МАРДИЕВ,
«Халқ сўзи»нинг Навоий вилоятидаги мухбири.

Бош муҳаррир ўринбосари Абдукарим РАҲИМБЕРДИЕВ.
МУАССИС: *Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши*
МАНЗИЛИМИЗ: *700000, ГСП*
Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 19-уй
Телефонлар: 32-07-94, 33-07-48, 33-10-60. Эълонлар бўлими: 32-09-25.
Индекс: 64608. Буюртма № Г-30. 100000 нусхада чоп этилади.
Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. Тошкент шаҳри 700083, Ленинград кўчаси, 32-уй.
Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди: 21.00.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12